2. Шамсутдинов З.Ш., Савченко И.В., Шамсутдинов Н.З. Галофиты России, их экологическая оценка и использование. Москва, 2000,- 399 с.

ЧЎЛ ЯЙЛОВЛАРИ ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ БИОХИЛМАХИЛЛИГИ ВА ТУР ТАРКИБИНИ ЎЗГАРИШИГА ИХОТАЗОРЛАРНИНГ ТАЪСИРИ

Ҳамроев Ҳ.Ф., Кайимов А.

Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон.

hamroyevhusen2@gmail.com

IMPACT OF WIND-BREAK TREE BELTS ON PLANT BIODIVERSITY OF DESERT RANGELANDS AND THEIR PLANT COMPOSITION

Hamroev, H. F., Kayimov, A.

Tashkent State Agrarian University, Uzbekistan.

hamroyevhusen2@gmail.com

Abstract.

Currently, climate change is influencing on plants biodiversity in desert rangelands. This in its turn results in dramatic decrease in the plant species composition of desert rangelands. The study results demonstrate increase the number of plant species by 4–6 times due to microclimate improvement in desert rangelands with wind-break tree belts.

Key words: desert rangelands, biodiversity, wind-break tree belts, forest resources, psammophyte and gypsophila plants

Аннотация.

Мақолада ҳозирги вақтда иқлим ўзгариши чўл яйловлари ўсимликлари биохилма-хиллигини ўзгаришига олиб келмоқда. Бу эса чўл яйловларидаги ўсимликлар тур таркибининг кескин даражада камайишига сабаб бўлиб, яйлов ихотазорларининг микроиқлимни шакллантириши орқали тур таркибини 4-6 тага ошириши мумкинлиги тадқиқот натижаларида келтириб ўтилган.

Калит сўзлар: чўл яйловлари, биохилма-хиллик, ихотазор, ўрмон ресурслари, псаммофит ва гипсофил ўсимликлар.

Кириш

Республикамиз ўрмон ресурсларининг бой салоҳиятидан тўла-тўқис ва оқилона фойдаланишни таъминлаш, ўрмон хўжалиги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш, ўрмон фонди ерларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, соҳага илғор илмий техника ютуқларини жорий этиш, ўрмон хўжаликларининг моддий техника базасини мустаҳкамлаш ва модернизация қилиш шунингдек, хорижий инвестицияларни янада фаол жалб этиш ва

экологик тизимни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ташкил қилинди [1].

Ўзбекистон худудининг асосий қисмини чўлли худудлар ташкил этиб, уларнинг ўсимлик дунёси ва уларнинг ўсиш шароити хилма-хилдир. Чўлли худудлар асосан Қизилқум, Қорақум, Мирзачўл ва Қарши чўли каби чўллардан иборат. Бу ерларда ўсаётган ўсимликлар тупроқ шароитидан келиб чиққан ҳолда псаммофит, гипсофит ва галофит ўсимликларга бўлинади. Тупроқ таркибида қум кўп бўлган худудларда псаммофит, гипс кўп бўлган худудларда гипсофит ва шўрланган тупроқларда галофит ўсимликлар ўсади [2].

Жанубий Қизилқум шароити ўсимликлар ўсиши учун ноқулай шўрланган, гипсли, қумоқ тупроқ таркибига эга. Қумли тупроқларда асосан псаммофит ўсимликлар экологик гуруҳи шаклланган ва бу ерда дарахтдан бир йиллик ўтгача бўлган ўсимликлар ўсади. Қумли чўлдаги дарахт бутали ўсимликлар қоплами оқ саксовул (*Haloxylon persicum*), черкез (*Salsola richteri*), қуёнсуяк (*Ammodendron conolyi*) ва аралаш саксовулзорлар (*Haloxylon persicum*, *Haloxylon aphyllum*) формациялари, 60 дан ортиқ ассоциациялардан ташкил топган.

Бу ассоциацияларга ёрдамчи турлар жузғуннинг дарахтсимон ёки бутасимон турлари (*Calligonum eripodum*, *C. caput-medusae*, *C. microcarpum*, *C. setosum*, *C. leucocladum*), ҳар хил буталар-астрагал (*Astragalus villosissimis*, *A. unifolilatus*), боялич (*Salsola arbuscula*), чала бута ва кўп йиллик ўтлар-партек (*Convolvulus divaricatus*, *C. Korolkovii*), мавзолей (*Mausolea eriocarpa*), шўра (*Artemisia diffusa*, *A. turanica*, *A. terra-albae*), чоғон (*Halothamnus subaphyllus*), эфемероидлар-илоқ (*Corex physodes*), ревенъ (*Rheum turkestanicum*), қўнғирбош (*Poa bulbosa*), коврак (*Ferula assa-foetida*), қисқа муддатли бир йиллик ўтлар-*Tithymalus densis*, *Agriophyllum latifolium*, *A. minus*, *Corispermum lehmannianum*, *Salsola paulsenii*, *S. solerantha*, эфемерлар *Eremopyrum distans*, *E. Orientalis*, *E. Buonapartii*, *Senecio subden tetus*, *Malcolmia grandiflora*, *M. Africana*, *Isatis violascans*, *I. Minima*, *Spirorhynchus Sabulogus*, *Tetracme recurvata*, *Streptoloma desertorum*, *Sohismus arabicus*, *Matricaria lomellata* ўсиб ривожланади [3-6]

Паст тепаликли қумларда псаммофит ўсимликларнинг гипсофил ўсимликлар массиви – турон шўраси (*Artemisia turanica*), боялич (*Salsola arbuscula*), астрагал (*Astragalus villosissimis*, *A. unifolilatus*), партек (*Convolvulus divaricatus*, *C. Korolkovii*) учрайди. Кучли шўрланган тупроқларда бир йиллик шўрга чидамли ўсимлик типлари (*Artemisia turanica*, *Gamonthus gamocarpus*, *Halimocnemis longifolia*), ҳар томонга ўсувчи шўра, боялич, псаммофит

ўсимликлар (*Calligonum microcarpum*, *C. Leucocladum*, *Epherda strobilacea*, *Carexphysodes*) ёки галлофит ўсимликлар (*Astragalus unifolilatus*, *Convolvulus hamodoe*, *C. divaricatus*) мавжуд [6].

Жанубий Қизилқумда ўсимликларнинг алмашинуви рельефга боғлиқ бўлиб, бу жараён инсон таъсирида ўзгариб бормоқда. Чорва молларнинг боқилиши, ҳар хил хўжалик объектларининг барпо этилиши, қишлоқ хўжалиги майдонларидан унумли фойдаланилмаслиги натижасида табиий ўсимликлар камайиб йўқ бўлиб бормоқда.

Тадқиқот услуби.

Фитоценоздаги ўсимликлар шаклланиш динамикаси 10 та тажриба майдонида ўрганилди. Ҳар бир фитоценозда ўсимлик шаклланиш динамикаси ва ривожланиши, ўсиши бўйича систематик кузатувлар олиб бориш учун ихота қаторлари ва қаторлар орасида жойлашган 3 та доимий трансектлар ажратиб олинди.

Бошқа майдонлардан фарқни аниқлаш учун ўлчами 50x2 м бўлган 4 та назорат трансектлари танланди. Ҳар бир трансектларда бир йилда 3 марта-баҳор, ёз ва кузда ўсимликларнинг тур ва миқдор таркиби бўйича ялпи ҳисоб олиб борилди.

Тадқиқот натижалари.

Тадқиқотлар олиб борилган фитоценозлардаги ўсимликлар қоплами ривожланиш жараёнларида ўзгариб турди. Бунда маҳаллий флора таркибини ташкил этувчи ўсимликларнинг ҳолати яхшиланиб, зичлиги ва миқдори ортиб борди. Бута, чала бута, чала бутача, бир йиллик ва кўп йиллик ўтлар ҳисобига турларнинг сони ҳам кўпайди.

Баҳор мавсумида ялтирбош (*Bromus tectorum* L) доминант бўлган эфемер ва эфемероидлар шаклланиб, улар асосий ўринни эгаллади. Кузатувлар мобайнида баҳор мавсумидаги ўсимликлар миқдори назорат вариантыдан 1,1-9,8 марта юқорилиги аниқланди. Бунда барханли тупроқлардаги 1-фитоценозда назорат вариантыдан 1,1-8,4 марта, ўт қоплами кучсиз ривожланган қумли тупроқлардаги 2-фитоценозда назорат вариантыдан 2,3-8,1 марта ва сур-қўнғир тупроқлардаги 4-фитоценозда назорат вариантыдан 6,8-9,8 марта юқори бўлди.

Ёз мавсумида эса баҳорги-ёзги ўт ўсимликлар, кўп йиллик ўтлар ва буталар асосий аҳамиятга эга бўлди. Ўсимликлар миқдори ва тупроқни ўсимликлар

билан қопланиш даражасида уларнинг ўрни юқори бўлди. Ўсимликларнинг ўсиб ривожланишига баҳор сўнгидаги ҳаво ҳароратининг ортиши салбий таъсир кўрсатди ва ўсимликлар миқдори назорат вариантыдан 1,1-5,4 марта юқори бўлди. Ёз мавсумида ҳам ўсимликлар миқдори табиий ва сунъий барпо этилган бошқа фитоценозлардан барханли тупроқлардаги 1-фитоценозда назорат вариантыдан 2,1-2,5 марта, ўт қоплами кучсиз ривожланган қумли тупроқлардаги 2-фитоценозда назорат вариантыдан 2,3-2,6 марта ва сур-қўнғир тупроқлардаги 4-фитоценозда назорат вариантыдан 2,6-5,4 марта юқори бўлди.

Куз мавсумида эса ўсимликларнинг миқдори асосан бута, чала бута ва кўп йиллик ўтларга тўғри келди. Бу мавсумда ҳам ихотазорларнинг таъсири натижасида ўсимликлар миқдори назорат вариантыдан 1,3-13,7 марта юқори бўлди. Ўсимликлар миқдорининг назорат вариантыга нисбатан юқори бўлишида июл-август ойларидаги ҳаво ҳароратининг кескин тарзда ортиши (45°C) ва тупроқ юза қатламидаги намликнинг йўқолиши асосий омил бўлди. Бу мавсумда ҳам юқорида келтириб ўтилган фитоценозлардаги кўрсаткичлар бошқаларига нисбатан юқорилиги билан ажралиб турди.

Хулоса.

Ихотазорлар ўсимликлар миқдорига таъсир қилиш билан бирга уларнинг таркибига ҳам таъсир қилганлиги кузатилди. Ҳудудда ўсиб ривожланаётган янтоқ, астрагал ва туятовон каби ўсимликлар камайиб, уларнинг ўрнига ялтирбош, чоғон, терескен ва изень каби ўсимликларнинг миқдори ортди. Бундан ташқари ихотазорлар барпо этилган вақтда ҳудудда 5-8 га турдаги ўсимликлар ўсиб ривожланганлиги аниқланган бўлса, ҳозирги кунда ушбу ҳудудда 25-30 га яқин тур ўсиб ривожланмоқда. Ушбу турлар орасидаги 4-6 га турнинг табиий равишда шаклланганлигини кўришимиз мумкин. Бу эса ихотазор барпо этиш орқали нафақат ушбу ҳудуддаги ўсиб ривожланаётган ўсимликлар миқдори ортиши билан бирга уларнинг тур таркиби ҳам ортишига эришиш мумкинлигини юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бурыгин В.А. и др. Ботанические основы реконструкции пастбищ Южного Кызылкума. Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1965. - 232 с.
2. Бурыгин В.А., Запрометов Н.С. О взаимоотношениях древесно-кустарниковой и эфемероидной растительности в предгорьях юга Средней

Азии. // Известия АН УзССР, 1955. - №5. - С. 43-51.

3. Бурыгин В.А. Растительный покров Узбекистана. В. 2-х т. - Т.: Фан, 1973. 404 с.
4. Мельникова Р.Д. Псаммофильная растительность - Psammophyta.// Растительный покров Узбекистана и пути его использования. Ташкент: Фан, 1973. - Т.2. 4 - 80 с.
5. Ҳамроев Ҳ.Ф. Жанубий Қизилқум ўсимликларнинг биохилмахиллиги. “Сохранение и устойчивое использование биоразнообразия лесных и плодовых пород” Республиканская научно-практическая конференция молодых ученых. Ташкент, 2010.
6. Ҳамроев Ҳ.Ф. Чўл яйловлари ҳолатини яхшилашда қора саксовулнинг ўрни. “Селекция ва уруғчилик бўйича илмий тадқиқотларни ташкил этишнинг муҳим йўналишлари” номли республика илмий-амалий анжумани материаллари. 20 май 2013 й. Тошкент, 2013.

**ХИМОЯ ҚИЛИНАДИГАН ЖОЙЛАРДА ЛИМОН (*CITRUS L.*)
НАВЛАРИНИНГ БАРГЛАРИНИ МОРФОЛОГИК ШАКЛЛАНИШ
ХУСУСИЯТЛАРИ**

Худоёрова С.И.

Тошкент фармацевтика институти, Ўзбекистон

**FEATURES OF MORPHOLOGICAL DEVELOPMENT OF LEAVES OF
LEMON (*CITRUS L.*) VARIETIES IN THE PROTECTED AREAS**

Khudoyorova, S. I.

Tashkent Pharmaceutical Institute, Uzbekistan

Abstract.

The paper investigates the leaf structure and their morphological development of lemon varieties (*Citrus L.*) grown in protected areas of orchards, their ontogenetic strategies and tactics.

Key words: protected area, ontogenetic strategy, divergent, convergent

Аннотация.

Мақолада боғдорчиликда химоя қилинган жойларда ўстирилаётган лимон (*Citrus L.*) навларининг барг структураси, морфологик шаклланиш хусусиятлари, уларнинг онтогенетик стратегия ва тактикаси ўрганилган.

Калит сўзлар: химояланган жой, онтогенетик стратегия, дивергент, конвергент.

Кириш.

Ҳозирги кунда дунё миқёсида цитрус ўсимлик турлари, жумладан лимон (*Citrus L.*) ўсимлигининг навларини яратиш, иқлимлаштириш, экинларининг мослашувчанлик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолатда уларнинг ҳосилдорлигини ошириш йўналишида йирик назарий ва илмий изланишлар амалга оширилмоқда.

Айрим тадқиқотчилар томонидан бир қатор ёввойи ва маданийлаштирилган ўсимлик турлари морфометрик хусусиятлари, жумладан барг структурасининг морфологик кўрсаткичлари асосида ташқи муҳит шароитларига мослашувчанлик даражасини баҳолаш, онтогенетик нуқтаи назардан тавсифлаш бўйича тадқиқотлар амалга оширилган [1, 4].

Тадқиқот усуллари.

Лимон навларининг ботаник тавсифи умумқабул қилинган ботаник

тадқиқот усуллари асосида амалга оширилди. Тадқиқотларда химоя қилинган жойларда ўстирилувчи лимон (*Citrus L.*) навларидан («Тошкент», «Мейер» ва «Юбилей») йиғиб олинган барг намуналарининг структура морфологик тавсифи барг морфометрик кўрсаткичлари ўрганилди. Лимон барглари структура морфометрик кўрсаткичлари бўйича ўзгарувчанлик хусусиятини баҳолаш учун вариация ўртача коэффиценти (CV) ва белгиларнинг детерминация коэффиценти (R^2_{ch}) қиймати, навларининг ўсиш муҳит шароитларига мослашиш даражасини баҳолаш учун ценопопуляция виталитети индекси (IVC) ёки ҳаётчанлик коэффиценти ҳисоблаб топилди [5]. Фенологик кузатишлар И.Н.Бейдеман [2] усули ва натижаларнинг статистик қайта ишланиши Н.А.Плохинский [6], Б.А.Доспехов [3] услублари бўйича амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари.

Олинган натижалар асосида «Тошкент» лимон навининг баландлиги 1,8-2,5 метрни ташкил қилиши, ўртача 2,235 метрга тенглиги аниқланди. «Юбилей» лимон навининг ўртача баландлиги - 2,7 метрни ташкил қилиши аниқланди. Шунингдек, «Мейер» лимон навининг ўртача баландлиги 1,4 метрни ташкил қилганлиги қайд этилди.

Қайд қилиб ўтиш керакки, химоя қилинган жойларда ўстирилувчи лимон (*Citrus L.*) навларида барглари структураси морфологик шаклланиш хусусиятларининг ўрганилиши ва шунингдек онтогенетик жиҳатдан тавсифланиши йўналишидаги дастлабки тадқиқот ҳисобланади.

Тажрибалар давомида лимон навлари барглари структурасининг морфологик шаклланиши 8 та кўрсаткич бўйича ўрганилди.

Жумладан, бунда барг банди узунлиги (АБ), барг пластинкаси узунлиги (АВ), барг пластинкаси кенлиги (ДЕ), барг учки қисмидан барг пластинкасининг энг кенгайган қисмигача бўлган масофа (ВЖ), барг шакли индекси қиймати (ВЖ/АВ), барг пластинкаси индекси қиймати (ИЗ) чап ва ўнг барг томирлари ўртасидаги узунлик қиймати (ИК), шунингдек ўзаро қўшни ҳолатда жойлашган барг томирлари дихотомик нуқталари орасидаги масофа (ЗЛ) аниқланди.

Метаўлчов параметрларини ўлчаш учун иккита аралаш томирлардан ташкил топган ва уларнинг асос қисмидан дихотомия нуқтасигача масофа билан ажралиб турувчи модул кўрсаткичлари (1-жадвал)да келтирилган. Тажрибаларда «Тошкент» лимон навининг барг пластинкаси ўртача узунлиги

қиймати $102,8 \pm 1,3$ мм ни ташкил қилади, барг пластинкаси кенглиги эса $62 \pm 2,2$ мм га тенг бўлган бўлса, «Мейер» лимон навининг барг пластинкаси ўртача узунлиги қиймати $87,5 \pm 0,7$ мм ни ташкил қилади, барг пластинкаси кенглиги эса $42 \pm 0,9$ мм га тенг, «Юбилей» лимон навининг барг пластинкаси ўртача узунлиги қиймати $81,1 \pm 0,4$ мм ни ташкил қилган бўлса, барг пластинкаси кенглиги эса $37,8 \pm 0,9$ мм га тенглиги исботланди.

1-жадвал Лимон навларининг барглари морфометрик кўрсаткичлари қийматлари ($M \pm m$) (2016-2017)

№	Барг морфометрик кўрсаткичлари	Химояланган жойларда ўстирилган лимон навлари		
		«Тошкент»	«Мейер»	«Юбилей»
1	Барг банди узунлиги (мм)	$4,6 \pm 0,6$	$5,3 \pm 0,2$	$3,2 \pm 0,1$
2	Барг пластинкаси узунлиги (мм)	$102,8 \pm 2,8$	$87,5 \pm 2,2$	$81,1 \pm 2,1$
3	Барг пластинкаси кенглиги (мм)	$62 \pm 3,1$	$42 \pm 1,3$	$37,8 \pm 1,9$
4	Барг учки қисмидан барг пластинкасининг энг кенгайган қисмигача бўлган масофа (мм)	$45,3 \pm 1,8$	$37,5 \pm 1,2$	$52,1 \pm 2$
5	Барг шакли индекси қиймати	$4,58 \pm 1,4$	$5,37 \pm 0,2$	$4,25 \pm 0,7$
6	Барг пластинкаси индекси қиймати	$3,16 \pm 0,8$	$4,22 \pm 0,3$	$3,8 \pm 0,3$
7	Чап ва ўнг барг томирлари ўртасидаги узунлик қиймати (мм)	$6,7 \pm 0,5$	$5,31 \pm 0,4$	$8,24 \pm 0,4$
8	Ўзаро қўшни ҳолатда жойлашган барг томирлари дихотомик нуқталари масофаси (мм)	$4,3 \pm 0,3$	$5,2 \pm 0,2$	$3,43 \pm 0,6$


Тажрибаларда «Тошкент» лимон навининг барг пластинкаси ўртача узунлиги қиймати $102,8 \pm 1,3$ мм ни ташкил қилади, барг пластинкаси кенглиги эса $62 \pm 2,2$ мм га тенг бўлган бўлса, «Мейер» лимон навининг барг пластинкаси ўртача узунлиги қиймати $87,5 \pm 0,7$ мм ни ташкил қилади, барг пластинкаси кенглиги эса $42 \pm 0,9$ мм га тенг, «Юбилей» лимон навининг барг пластинкаси ўртача узунлиги қиймати $81,1 \pm 0,4$ мм ни ташкил қилган бўлса, барг пластинкаси кенглиги эса $37,8 \pm 0,9$ мм га тенглиги исботланди.

«Тошкент» ва «Юбилей» лимон навларининг химояланган жойларда мева берувчи дарахтларининг бўйи 3 метргача етиши қайд қилинган бўлса, шох - шаббалари айлана диаметри 1,8-2,5 метрга етиши, асосий пояларни сони 5-7 тагача етганлиги кузатилди. Бу навларга мансуб лимон дарахтларининг илдиз тизими тупроқда нисбатан юза қатлам бўйлаб жойлашганлиги кузатилди. Гуллари йирик, кўпроқ гул тўпламлари кўринишида жойлашган. Барглари

йирик ўлчамли, кенг овалсимон, тухумсимон ва қийшиқ тухумсимон шаклларда қайд қилинди.

Баргнинг ушбу морфометрик кўрсаткичи бўйича бошқа навларга нисбатан энг юқори қиймат «Юбилей» лимон навида намаён бўлди. Барг пластинкаси вариацияларида барг бўйи кўрсаткичи қиймати ортиши билан барг кенглиги (эни) қийматининг қонуний тарзда ортиб бориши қайд қилинди. Барг бўйи морфометрик кўрсаткичи қиймати камайиши билан мос равишда барг эни қийматини (*мм*) камайиб бориши кузатилди. Тажрибаларда лимон навлари барг пластинкасининг бўй ва эни йўналишида ассиметрик структура тузилиши ўрганиб чиқилди. Бунда статистик ишонарли даражадаги фарқланишлар қайд қилинмади.

Олинган натижалар асосида лимон навлари барг пластинкаси *IVC* индекси қиймати ўсиш шароити қулай ҳолатда (эркин ҳолатда ўстирилганда) юқорилиги ва ноқулай шароитда (сиқилган шароитда) камайиб бориши қайд қилинди. Бу кўрсаткич қиймати ўзгарувчанлиги $CV=19,3-62,57\%$ ораликда қайд қилинди (1-расм).



1-расм. «Юбилей» лимон навида барг пластинкаси бўйи ва энининг морфометрик кўрсаткичлари ўртасидаги боғлиқлик

Тажрибаларда ўрганилган бир хил шароитда, химояланган жойларда ўстирилган ўстирилган лимон навларида барг морфометрик кўрсаткичлари ўртасидаги фарқланишлар ушбу кўрсаткичларнинг навлар мослашувчанлик даражасини баҳолашда экологик индикатор сифатида қўлланилиши мумкинлигидан далолат беради. Ўрганилган лимон навларида барг структураси морфометрик кўрсаткичлари асосида мослашувчанлик даражаси бўйича ҳаётчанлик онтогенетик тактикаси белгиланди. Яъни, стресс - химоя механизмига асосланган ва химоя онтогенетик мослашувчанлик тактикаси қайд қилинди.

Жумладан, «Юбилей» лимон навида барг структурасида ўрганилган барча кўрсаткичлар бўйича (айниқса, барг бўйи ва эни) ўзгарувчанлик кенг спектрда эмаслиги ва нисбатан барг морфологик бутунлиги ўсиш шароитларида барқарор ҳолатдалиги қайд қилинди. Бу ҳолат ушбу лимон навининг ўсиш шароитларига мослашувчанлик даражаси юқорилигидан далолат беради. «Тошкент» лимон навида бу кўрсаткичлар бўйича баҳолашни конвергент тактика сифатида баҳолаш мумкин, яъни ўсиш муҳит шароитлари ёмонлашиши билан барг пластинкаси морфометрик кўрсаткичлари камайиш йўналишида ўзгариши қайд қилинади. «Мейер» лимон навида эса ҳаётий мослашувчанлик тактикаси дивергент - конвергент типда белгиланиб, бунда барг пластинкаси морфометрик кўрсаткичлари ўсиш шароитлари ёмонлашиши билан дастлаб ҳимоя механизми ортиши ва кейин эса сусайиши қайд қилинди.

Шунингдек, ўрганилган барча лимон навларида онтогенетик стратегия бўйича стресс компонентлари қайд қилинди. Яъни ўсиш шароитлари ёмонлашиши билан лимон навлари барг пластинкаси структураси морфологик бир бутунлиги даражаси қиймати умумий ҳолатда сусайиб боради. Бунда барг морфологик бутунлиги индексининг камайиб бориши ўрганилган лимон навлари бўйича ўртача қийматда 0,55-0,16%ни ташкил қилиши аниқланди. Бу олинган натижалар муҳитнинг сress чақирувчи омиллари таъсирида морфологик бутунликнинг (барг структураси морфометрик кўрсаткичлари) камайиб боришига олиб келади. Ўз навбатида бу ўзгаришлар ўсимликнинг умумий функционал ҳолатига, унинг ўсиш ва ривожланишига бевосита таъсир кўрсатишини исботлайди.

Хулосалар

1. Ҳимояланган жойларда етиштирилган лимон навларининг барг морфо-биологик кўрсаткичлари қиёсий ўрганилиб, барг бўйи ва эни бўйича морфометрик кўрсаткичлари қиймати уларнинг ўстирилиш шароитларига боғлиқ эканлиги аниқланди.

2. «Тошкент» лимон нави онтогенетик стратегия ҳолати бўйича ҳимоя-стресс типига киритилди, яъни ўсиш шароитлари ёмонлашиши билан барг структураси морфологик бутунлиги кўрсаткичлари камайиши қайд қилинди.

3. «Юбилей» ва «Мейер» лимон нави онтогенетик стратегия нуқтаи назаридан ҳимоя типига ривожланиши кузатилди, яъни ўсиш муҳит шароитларининг ёмонлашиши ҳолатида ушбу лимон навининг барг структураси морфологик

бутунлиги кўрсаткичлари сезиларли ортиши қайд қилинди.

4. «Мейер» лимон навида ҳаётий мослашувчанлик тактикаси дивергент - конвергент типда белгиланиб, бунда барг пластикаси морфометрик кўрсаткичлари ўсиш муҳит шароитлари ёмонлашиши билан дастлаб химоя механизми ортиши ва кейин эса сусайиши қайд қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Байзигитова Л.Н., Ишбирдин А.Р., Юмагузин Ф.Г. О некоторых проявлениях стратегии жизни мягкой пшеницы (*Triticum aestivum*) сорта Саратовская 55 // Вестник Оренбургского гос. Ун-та, 2009. - № 6 (100). - С. 54-56.
2. Бейдеман И.Н. Методика изучения фенологии растений и растительных сообществ // Методические указания. - Новосибирск: «Наука», 1974. - 155с.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. 5 изд., перераб. и доп. - Москва: «Агропромиздат», 1985. - 351с.
4. Ишбирдин А.Р., Ишмуратова М.М. Адаптивный морфогенез и эколого-ценотические стратегии выживания травянистых растений // Методы популяционной биологии. Сборник материалов VII Всерос. популяционного семинара. - Сыктывкар, 2004. Ч. 2. - С. 113-120.
5. Ишбирдин А.Р., Ишмуратова М.М. Некоторые направления и итоги исследований редких видов флоры Республики Башкортостан // Вестник Удмуртского ун-та. Серия 6: Биология. Наука о Земле. Вып. 1. 2009. - С. 59-72.
6. Плохинский Н.А. Руководство по биометрии для зоотехников. - Москва: «Колос», 1969. - С. 47-59.

ЎЗБЕКИСТОНДА ФУНДУК (*CORYLUS*) БУТАСИНИНГ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Эгамназаров Ҳ.Ў.

Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон
egamnazarov@bk.ru

BIOECOLOGICAL PROPERTIES OF HAZEL (*CORYLUS*) IN UZBEKISTAN

Egamnazarov, H.U.

Tashkent State Agrarian University, Uzbekistan.
egamnazarov@bk.ru

Abstract.

The article provides information on the results of experiments on planting of walnut at the experimental station of the Tashkent State Agrarian University, its sowing in three different periods and at two different depths and treatments placement. Based on experimental trails the effective technology for seeding the hazel (*Corylus*) has been developed

Key words: hazel, acclimatization, nut-bearing crop, vegetative period, flowering period, yielding, multiplication, promising varieties.

Аннотация.

Мақолада Тошкент давлат аграр университети ўқув тажриба станциясида ўрмон ёнғоғини экиб, унинг устида тажрибалар олиб бориш натижалари, унинг уч хил муддатда ва икки хил чуқурликда экиб, вариантлар жойлаштирилганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Тажрибада асосан фундукни уруғидан кўпайтиришнинг самарали технологияси ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: фундук, интродукция, ёнғоқмева, вегетация даври, гуллаш даври, ҳосилдорлиги, кўпайтириш, истиқболли навлари.

Кириш.

Мамлакатимизда ҳам аҳолини озиқ-овқат билан таъминлаш бўйича қонун ва қарорлар ишлаб чиқилмоқда, янгидан-янги лойиҳа устида ишлар олиб борилмоқда. Мана шундай эътиборга молик бўлган ўсимликлар сирасига ёнғоқмевалиларни мисол келтириш мумкин. Тарихдан ҳам маълумки, ёнғоқмевалиларга инсонлар томонидан қизиқиш жуда катта бўлган. Селекция йўли билан сермахсул навларини ажратиб олишган. Хозирги

кунда ёнғоқмевалилар нафақат ўрмон хўжалиги балки халқ хўжалиги ҳамда саноатда ишлаб чиқариш ишлари учун ҳам катта аҳамиятга эга. Шундай ёнғоқмевалиларнинг намоёндаларидан бири юртимизда интродукция қилинган ўрмон ёнғоғи ёки маданийлаштирилган шакли фундук ҳисобланади.

Фундук - қимматбаҳо ёнғоқмевали ўсимликлар қаторига киради. Унинг меваси чиройли кўринишли, пўчоғи нисбатан юпқа, мағзи жудаям мазали ва тўйимли бўлади [5]. Бизнинг ўлкамизга ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Академик М.М. Мирзаев номидаги боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтининг тоғ боғдорчилик ва узумчилик Бўстонлиқ тумани филиали илмий ходимлари 1949 йили И.Б. Мичурин номи Бутуниттифоқ ўсимликшунослик институтининг Сочи, 1964 йили Майкоп тажриба станцияларидан уруғи келтирилиб, кўпайтирилиб, уруғларидан етиштирилиб, улар устида селекция ишлари олиб борилган, ўнлаб хўжалик ва биологик жиҳатлардан устувор шакллари ажратилган [1]. Мағиз таркибидаги ёғлар қуримайди, витаминлар эритилган ҳолатда бўлади, мазаси сифатидан бошқа ёнғоқмевали ўсимликлардан устун туради ва инсон организмига энгил сингади. Шунинг учун озиқавий хусусиятлари жуда юқори бўлиб, хўл ва қуритилган ҳолатларда кенг фойдаланилади [3].

Гули бир уйли, айрим жинсли. Оталик гули узунчоқ, осилувчан 2-6 кучаладан иборат. Оналик гуллари учтадан ёпувчи тангачалар асосида йиғилган бўлиб, улардан фақат иккитаси тўлиқ ривожланган. Тугунчаси иккита ковакли, ҳар бир уяда биттадан осилувчан уруғ куртак жойлашган. Устунчаси иккита ипсимон, қизғиш тухумчадан ташкил топган. Меваси бир уруғли ёнғоқ, нисбатан турли рангли узунликдаги кўк яшил рангдаги ўрамага ўралган. Ҳосили ҳар хил думалоқдан, кенг тухумсимон, ясси чўзилган шакллардан иборат бўлиб, меванинг учи ва асосида турли ўзгаришлар бўлади. Мева пўсти ҳар хил қалинлик ва катталиқда, қўнғир ва оч қўнғир, камдан - кам ола чипор рангда, баъзида пўчоғи турли даражада, фақат устки қисмида ёки ёппасига тукланган бўлади.

Бу ўсимлик совуққа чидамли, -25°C гача бўлган совуққа чидай олади. Жуда эрта, ҳаво ҳарорати кундузи $+14 - 16^{\circ}\text{C}$ га етганда гуллай бошлайди. Борди-ю ҳаво ҳарорати кўтарилиб бир неча кун сақланса, унинг гуллаш жараёни активлашади ва оталик гуллари ривожланишини учинчи кунда, оналик гуллар эса 15 кунда тамомлайди. Гуллаш даврида совуқ ҳаво вужудга келса, яъни ҳаво ҳарорати 10°C дан пастга тушса гуллаш даври чўзилиши мумкин. Тупроқ ва ҳарорат оптимал паст бўлган ҳолатларда гуллаш жараёни тўхтайди ва ҳарорат

кўтарилиши билан гуллаш жараёни яна давом этаверади. Гуллаш муддати ва унинг давомийлиги асосан нав хусусиятлари, айниқса об-хаво шароитларига боғлиқ бўлади. Баъзи навларда аввал оталик, бошқаларида эса аксинча оналик гуллари ҳосил бўлади. Кўп ҳолатларда оталик ва оналик гулларнинг бир вақтда гуллаши ҳам кўп учрайди. Умуман олганда барча навларнинг маълум ёки узоқ гуллаши кузатилади. [4]

Фундукинг меваси асосан август - сентябр ойларида пишиб етилади, аммо баъзи навлари июл ёки октябр ойларида ҳам пишиши мумкин. Уруғидан етиштирилган кўчатлари 6 - 8 йиллари, вегетатив усулда етиштирилган кўчатлари эса 4 - 5 йиллари ҳосилга кира бошлайди. Тўла ҳосилга кириш даври 10 - 15 ёш. Юқори ҳосил бериш даври 20 - 25 ёш. Илмий маълумотларга қараганда, юқори даражадаги агротехник тадбирлар қўлланилганда фундук ўсимлиги 150 - 180 йил яшаб, ҳосил бериши мумкин [2].

Ҳосилдорлиги бир тупдан 2 - 3 кг дан, 10 - 12 кг ни ташкил қилади. Ҳосилдорлик ўсимликнинг ўсиш ҳудудлари иқлим шароити, нав хусусиятлари ва агротехник тадбирларига қараб ўзгарувчан бўлади. Субтропик мевалар ичида фундук иссиқликка унча талабчан эмас. Бу ўсимлик ҳар хил тупроқда ҳам ўсаверади. Фақат структураси паст қумлоқ, ботқоқли тупроқларда яхши ривожланмайди.

Илдиз системаси узун, бўғинсимон бўлиб, кучли ривожланган. Илдизлар асосан тупроқнинг юза қисмида горизонтал ҳолатда ривожланган бўлади, шунинг учун ҳам у чуқур қатламли тупроқни талаб қилмайди.

Тадқиқот услуби.

Фундук асосан уруғидан, пархиш қилиш, буталарини бўлиш, қаламчасидан ва бошқа усуллар билан кўпайтирилади. Академик М. Мирзаев номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институтининг тоғ боғдорчилик ва узумчилик филиали илмий ходимлари томонидан, олиб борилган илмий тажрибалар натижасида фундукнинг четдан келтирилган ва уруғидан етиштирилган 140 донга кўчатлари орасидан табиий танлаш йўли билан 28 та биологик ва хўжалик жиҳатлари асосида устивор, истиқболли шакллари ажратилди ва иккита нави ДНСИ га топширилди [1].

Тадқиқот натижалари.

Ҳозирги пайтда ТДАУ нинг ўқув тажриба станциясида ўрмон ёнғоғини

экиб, унинг устида тажрибалар олиб борилди. Бу тажрибага кўра ўрмон ёнғоғи уруғини уч хил муддатда ва икки хил чуқурликда экиб, вариантлар жойлаштирилди. Бунда уруғлар 5-7 см чуқурликда ва уч хил вақтда экилди. Экиш муддатлари орасидаги фарқ 10 кунни ташкил қилди. Тажрибада олти вариант бўлиб, уларни 1 А ва Б, 2 А ва Б, 3 А ва Б вариантлар тарзида жойлаштирилди. Бунда А ва Б 5 ва 7 см, 1; 2; 3 эса ҳар хил муддатда экилган уруғлар эканлигини англатади. Бу тажрибадан асосий мақсад ўрмон ёнғоғини уруғидан кўпайтиришнинг самарали технологиясини ишлаб чиқишдир.

Бу тажрибалар устида кузатиш ишлари олиб борилди. Биринчи вариант март ойининг бошларида экилди. Иккинчи вариант март ойининг ўрталарига келиб экилди ва унда уруғларнинг униб чиқиш кўрсаткичи биринчи вариантга нисбатан ортди. Учинчи вариант март ойининг охирига бориб экилди. Бу вариантдаги уруғларнинг унувчанлиги биринчи ва иккинчи вариантларга нисбатан юқори бўлганлигини кўрсатди. Экиш чуқурлиги ҳам уруғларнинг унувчанлигига таъсир қилганини гувоҳи бўлиш мумкин. Бунда 7 см чуқурликда экилган уруғлар 5 см чуқурликда экилган уруғларга нисбатан яхшироқ унганлигини кўриш мумкин.

Хулоса.

Кузатишлардан шундай хулосага келишимиз мумкинки, ўрмон ёнғоғининг уруғи нисбатан чуқурроқ экилса, тупроқ таркибидаги намликнинг кўп бўлиши ҳисобига уруғларнинг яхши ўсишига шароит яратилади. Шунингдек, тупроқ таркибида ҳарорат ва намлик юқори бўлса, ўрмон ёнғоғи уруғларининг униб чиқиши самарадорлиги юқори бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдурасулов А.- «Фундук- ёнғоқмевали ўсимлик». Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали, №12, - 2012.
2. Ермаков Б.С. и др. Обмен веществ у зеленых черенков лещины в процессе укоренения. - Бюлл. ГБС, 1974, вып. 93, 68 - 71 б.
3. Колесников В.А. Частное плодоводство, Москва: Колос. 1974. 54 б.
4. Кудашева Р.Ф. Разведение, селекция лещины и фундука. - М., Лесная промышленность, 1965. 131 б.
5. Қайимов А., Бердиев Э.Т. Дендрология. - Тошкент. Фан ва технология. 2012 - 264 б.

ВЫРАЩИВАНИЕ ФИСТАШКИ НАСТОЯЩЕЙ НА ПРИУСАДЕБНЫХ УЧАСТКАХ

Эшанкулов Б.И., Николаи Л.В., Худойназарова Н.Х.

Узбекский НИИ лесного хозяйства, Узбекистан

CULTIVATION OF PISTACHIO TREES IN THE BACKYARDS OF HOUSEHOLDS

Eshankulov, B.I., Nikolai, L.V., Khudoynazarova, N.Kh.

Uzbek Research Institute of Forestry, Uzbekistan

bobomurodovich@mail.ru

Abstract

Pistachio (*Pistacia vera* L.) is a nut tree species less cultivated in households than walnut and almond trees. However, its cultivation provides many economic benefits, considering reclamation properties and undemanding nature of this tree species. It naturally grows on mountain slopes in Central Asian countries (Kyrgyzstan, Tajikistan, Turkmenistan, Uzbekistan), in the north-east Iran and in the north Afghanistan. It is successfully cultivated in many parts of the world in similar climatic conditions.

Key words: pistachio, nut-bearing, tap roots, drought tolerance, grafting, cultivation, watering, fertilizers.

Аннотация

Фисташка настоящая (*Pistacia vera* L.) на приусадебных участках встречается реже, чем грецкий орех и миндаль обыкновенный. Однако, если вести личное хозяйство с расчетом на долгие годы, её выращивание дает немало экономических выгод, учитывая мелиоративные свойства и неприхотливость этой культуры. В естественных условиях она встречается по склонам гор Средней Азии (Кыргызстан, Таджикистан, Туркменистан, Узбекистан), на северо-востоке Ирана и на севере Афганистана, разводится и успешно культивируется во многих районах мира в схожих климатических условиях.

Ключевые слова: фисташка, орехоплодные, стержневые корни, засухоустойчивость, прививка, выращивание, полив, подкормка.

Введение

Фисташка настоящая (*Pistacia vera* L.) - многоствольное дерево или кустарник продолжительностью жизни более 300 лет, высотой 3-7 (до 10) м, чаще всего с густой полушаровидной кроной. Плоды ее очень вкусны и высоко ценятся. Как известно, насаждения фисташки создаются посевом на

постоянное место. Особенностью этой культуры является быстрое развитие мощного стержневого корня - основы засухоустойчивости этого растения [1].

Результаты исследований

Фисташка настоящая - двудомное растение: существуют женские и мужские деревья. В природе они распределены приблизительно поровну, в промышленных насаждениях на два мужских дерева выращивают восемь женских. На приусадебном участке, когда выращивается всего лишь несколько деревьев фисташки, можно на одно из женских деревьев привить ветку мужского. Одной-двух мужских веток хватает на несколько женских растений, из которых будет состоять сад. Прививка мужских деревьев в крону женского дерева возможна при условии контроля за развитием кроны, так как мужская часть кроны со временем может вытеснить женскую. Данный прием рекомендуется только на приусадебных участках.

При выращивании фисташки на поливных приусадебных участках возможно размещение деревьев по схеме 5x5 м, что позволяет на одной сотке земли разместить 4 растения. Подкормка органическими удобрениями и еженедельные поливы позволяют в три раза ускорить развитие деревьев и в 10-15 летнем возрасте получать урожай более 10 кг орехов с дерева. Облагораживание саженцев проводят методом прививки хороших сортов. Подвоем являются растения, выращенные из семян того же вида. Сортовые формы или сорта фисташки прививают на одно или двухлетние порослевые побеги, полученные путём омолаживания ветвей их обрезкой. Полученные побеги текущего года окулируют летом после их одревеснения.

Лучшие методы прививки - окулировка ростовой почкой (глазком) без древесины, треугольным щитком или неполной муфтой. Наиболее оптимальный способ - окулировка щитком в Т-образный разрез на подвой, что обеспечивает сток смолы из поперечного разреза вниз без заливания глазка. Окулировку делают в нижней части побегов на расстоянии 10-15 см от основания. Длина щитка с глазком должна быть 2-3 см. Место прививки тщательно обвязывается узкими лентами из полиэтиленовой пленки [3].

Проводят прививку в утренние и вечерние часы, когда температура воздуха и испарение снижены. Через 20-25 дней после прививки обвязку осторожно снимают, а через 20-40 дней срезают верхнюю часть подвойного побега. Срезы закрашивают или покрывают садовым варом. Необходимо периодически

удалять дичковую поросль, образующуюся ниже прививки. Формирование кроны у развивающегося подвоя проводится на 3-4-й год.

Уходы за растениями сведены к минимуму. Непременным условием является глубокое рыхление почвы поздней осенью для образования запаса влаги в корнеобитаемом слое за зимний период и значительного уменьшения энтомовредителей. Рыхлить почву следует на глубину до 35 см.

Фисташка в нашем регионе - самая засухоустойчивая орехоплодная древесная порода. Поэтому она растет на богарных склонах, т. е. в неполивных условиях при строгом соблюдении правил агротехники. А в садовых, благоприятных условиях, где налажена система полива, эта культура развивается вдвое быстрее и раньше вступает в плодоношение. За вегетационный период рекомендуется до 4 поливов.

После каждого полива или значительного дождя бурно развивается травянистая растительность. А это - конкурент культурным насаждениям в борьбе за влагу и пищу. Для уничтожения травянистой растительности проводят культивацию на глубину до 15 см.

Для успешного роста, особенно в богарных условиях, вносят органические и минеральные удобрения. Особый эффект они дают на этапе раннего развития растения фисташки.

Органические удобрения вносятся в почву перед посевом фисташки на постоянное место. Минеральную подкормку рекомендуется проводить на второй, шестой и девятый годы. Весной вносятся аммиачная селитра по 0,5 кг на 1 дерево, а осенью - суперфосфат простой по 1,0 кг и калийная соль по 0,3 кг под каждое дерево.

Для защиты сада от насекомых-вредителей и болезней рекомендуется опрыскивание растворами ядохимикатов, рекомендуемых районным центром по защите растений. Обработка растворами проводится весной и осенью. Опрыскивать необходимо на второй и третий год после создания насаждений и далее по необходимости.

Основная цель создания фисташкового сада - получение урожая. Чем лучше развитие кроны растения, тем он будет больше. Уход за кроной заключается в обрезке лишних, загущающих крону ветвей, удалении больных и поврежденных веток. Остатки древесины собирают, вывозят за пределы участка и сжигают. Работы проводятся, как правило, весной [2].

Выводы

Выращивание сортовой фисташки на приусадебных участках позволит получать значительный доход в семейный бюджет, получаемых с одной сотки земли. В годы с хорошим урожаем он может доходить до 5 млн. сумов (исходя из стоимости 1 кг орехов фисташки – 100 тысяч сумов).

Список использованной литературы

1. Булыгин Н.Е. Дендрология. Ленинград, «Агропромиздат» -1991 - С. 268.
2. Григоров В. Знакомьтесь, фисташка. *Ж. Жизнь и экономика*, №6 - Ташкент, 1991 - С. 72.
3. Чернова Г.М. Рекомендации по выращиванию плантаций фисташки настоящей на сортовой основе в предгорьях Узбекистана. –Ташкент, 2017 – С. 36-42.

III-СЕКЦИЯ - III-SESSION

**УКРЕПЛЕНИЕ СИСТЕМЫ СЕМЕНОВОДСТВА И
ПИТОМНИКОВОДСТВА ПРОДОВОЛЬСТВЕННЫХ
КУЛЬТУР ДЛЯ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОГО
РАЗВИТИЯ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА**

**STRENGTHENING THE SYSTEM OF FOOD CROPS
SEED AND SEEDLING PRODUCTION TO ENSURE
EFFECTIVE DEVELOPMENT OF AGRICULTURE**

РАЗРАБОТКА ТЕХНОЛОГИИ РАЗМНОЖЕНИЯ ПЕРСПЕКТИВНЫХ ДЕРЕВЬЕВ И КУСТАРНИКОВ МЕТОДОМ ЧЕРЕНКОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ

¹ Холова Ш.А., ²Сафаров К.С.

¹Ташкентский государственный аграрный университет, Узбекистан

²Национальный университет Узбекистана, Узбекистан

DEVELOPMENT OF TECHNOLOGY OF MULTIPLICATION OF PROMISING TREE AND SHRUB SPECIES WITH ROOTED CUTTINGS IN UZBEKISTAN

¹ Kholova, Sh.A., ²Safarov, K.S

¹ Tashkent State Agrarian University, Uzbekistan

² National University of Uzbekistan, Uzbekistan
shokhista.kholova@mail.ru

Abstract

Currently, green building and landscaping are rapidly developing in Uzbekistan. For this purpose, not only coniferous and deciduous tree species but also ornamentally flowering shrubs, perennial plants and grasses are widely used.

Key words: plant propagation, technology of rooting cuttings, green building, ecology, biology, biodiversity.

Аннотация

В настоящее время в Узбекистане быстрыми темпами проводятся работы по зеленому строительству и озеленению. В этих целях широко применяются не только виды хвойных и лиственных деревьев, но также декоративно цветущие кустарники, многолетники и почвопокровные растения.

Ключевые слова: размножение растений, технология черенкования, озеленение, экология, биология, биоразнообразие.

Введение

На сегодняшний день более половины населения мира проживают в городах. К 2050 году эта цифра достигнет 66% [1]. Такой быстрый рост населения требует широкого использования декоративных растений, устойчивых к факторам городской среды для улучшения городской инфраструктуры. По сведениям Конвенции Организации Объединенных Наций о «Биологическом

разнообразии» в ближайшие годы имеется риск исчезновения 34 000 видов растений [2]. Такие мировые глобальные проблемы, как возникновение различных экологических проблем, изменение климата создают ряд трудностей в подборе растений для озеленения и снижения негативного воздействия антропогенных факторов на окружающую среду.

Разработка методов размножения декоративных растений, изучение их биоэкологических свойств в конкретных почвенно-климатических условиях и отбор перспективных видов считаются перспективными направлениями научно-исследовательских работ. В последние годы в целях озеленения городов и населенных пунктов Узбекистана начато выполнение актуальных задач, предусмотренных в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-1045 «О дополнительных мерах по улучшению благоустройства населенных пунктов Республики Узбекистан» от 22 января 2009 г., в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан за № 223 «Об утверждении программы развития ландшафтного дизайна в Республике Узбекистан» от 13 августа 2013 г. и в Постановлении Президента Республики Узбекистан ПП-3262 «О мерах по совершенствованию архитектурно-ландшафтной конструкции и системы благоустройства автомобильных дорог» от 11 сентября 2017 г., а также и в других нормативно-правовых документах.

Материалы и методы

В работах по озеленению городов и населенных пунктов актуальной задачей является изучение особенностей размножения черенками декоративных и перспективных деревьев и кустарников. Объектами исследований явились декоративно-цветущие интродуцированные кустарники и деревья: хилокатальпа ташкентская (*Chitalpa tashkentensis* T.S. Elias & Wisura), вейгела ранняя (*Weigela praecox* (Lemoine) L.H. Bailey) и лавровишня лекарственная (*Lauracerasus officinalis* M. Roem).

Результаты исследований

При черенковании перспективных декоративно цветущих деревьев, кустарников и травянистых растений города Ташкента использованы общепринятые методы исследований для вегетативного размножения деревьев и кустарников, использована рекомендация М. Броуз «Вегетативное размножение растений» (Таблица).

Таблица. Размножение черенками декоративных деревьев и кустарников

Название растений	Название стимулятора	Концентрация, мг/л	Время выдержки черенков в растворе, ч.	Количество черенков		
				всего	образовавшие корни	%
укоренение полуодресневевших черенков						
Хилокатальпа	контроль	чистая вода	-	95	45±2,81	47
ташкентская	корневин	в виде порошка	-	95	68±3,09	71
Вейгела ранняя	контроль	чистая вода	-	110	71±2,97	64
	корневин	в виде порошка	-	110	93±3,94	84
Лавровишня лекарственная	контроль	чистая вода	-	65	51±5,07	78
	корневин	в виде порошка	-	65	59±4,61	91
укоренение одресневевших черенков						
Хилокатальпа	контроль	чистая вода	-	200	117±3,01	58
ташкентская	корневин	в виде порошка	-	200	146±2,42	73
Вейгела ранняя	контроль	чистая вода	-	68	37±2,13	54
	корневин	в виде порошка	-	68	54±4,28	79
Лавровишня лекарственная	контроль	чистая вода	-	36	34±1,68	94
	корневин	в виде порошка	-	36	36,0	100

Для укоренения брали черенки длиной 12-15 см, толщиной - 3-5 мм. Для уменьшения транспирации оставляли 1–2 пары листьев, нижние листья удаляли. Для каждого опыта были подготовлены качественные и не поврежденные черенки. Заготовленные черенки разделяли на 2 части. Одну часть – контроль - помещали в воду. Нижние части среза остальных черенков перед посадкой в субстрат обрабатывали стимулятором корнеобразования «Корневин» (сухой способ применения стимуляторов в виде пудры) Выбор стимулятора и его концентраций обусловлен литературными данными [3, 4,]. После обработки черенки были высажены в крупнозернистый речной песок.

Вскоре после посадки в субстрат у черенков началось образование корней. Сроки укоренения различались. Как видно из представленных в таблице данных, черенки в контроле укоренились в меньшем количестве, чем черенки, обработанные стимулятором «Корневин». Степень укоренения черенков была разной в связи с видовыми особенностями изучаемых растений. У контрольных (необработанных) черенков длина корней была короче, чем у черенков, обработанных стимуляторами роста.

В исследованиях вегетативного размножения деревьев и кустарников по рекомендации М. Browse на участке с микроклиматом при укоренении

полуодревесневших черенков получены следующие результаты: корнеобразование достигнуто у хилокательпы ташкентской - 47,4% в контроле, 71,6% - в опыте. У вейгелы ранней - 64,5% в контроле, 84,5% - в опыте. У лавровишни лекарственной - 78,5% в контроле и 90,7% - в опыте. У одревесневших черенков корнеобразование составило у хилокательпы ташкентской 58,5% в контроле, 73% в опыте; у вейгелы ранней - 54,4% в контроле, 79,4% - в опыте; у лавровишни лекарственной - 94,4% в контроле, 100% - в опыте.

Выводы

Выявлено, что использованный нами стимулятор способствовал образованию корней у всех видов значительно больше, чем в контроле, что позволит получать значительное количество укорененного материала. Необходимо также отметить, что черенкование этих растений возможно и без обработки стимуляторами. В результате проведенных исследований по выращиванию изученных видов декоративных деревьев и кустарников методом черенкования выяснены их особенности. Для успешного проведения процессов укоренения черенков декоративных деревьев и кустарников в короткие сроки рекомендуется их проводить в помещении, где функционирует туманная установка.

Список использованной литературы

1. Данные о населении мира, проживающего в городах [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <http://www.fao.org/resources/infographics/infographics-details/ru/c/411601/> (16.11.2018)
2. Сведения о Конвенции Организации Объединенных Наций [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://www.cbd.int/convention/guide/default.shtml?id=changing> (16.11.2018)
3. Малиновская М., Калашникова Е., Карсункина Н. Размножение садовых и комнатных растений // Малиновская М., Калашникова Е., Карсункина Н. - М.: Изд. Фитон XXI, 2012. – 112 с.
4. Мак-Миллан Броуз Ф. Размножение растений / Мак-Миллан Броуз Ф. - М.: Мир, 1992. – 193 с.

ГРЕК ЁНҒОҒИНИНГ (*JUGLANS REGIA* L.) ИСТИҚБОЛЛИ ШАКЛЛАРИ ВА НАВЛАРИ КЎЧАТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Тўлаев Д.Б.

Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон.

husen.hamroyev@mail.ru

TECHNOLOGY OF GROWING SAPLINGS OF PROMISING VARIETIES AND GENOTYPES OF WALNUT (*JUGLANS REGIA* L.)

Tulaev, D.B.

Tashkent State Agrarian University, Uzbekistan.

husen.hamroyev@mail.ru

Abstract

At present, rapid demography growth creates a number of problems. Supply people with nutritious food is among them. In order to solve this problem it is necessary to use the available land resources in sustainable way and to increase land area under nutritious crops. To date, large-scale reforms are underway in the forestry sector of Uzbekistan, with a particular emphasis on increasing intra-specific diversity of walnut trees and their productivity as well as development of new walnut tree varieties.

Key words: walnut (*Juglans regia* L.), genotype, variety, phenological, morphological, bioecological, taxonomic, analytical, regions, water resources shortage, statistical, vegetative, generative, fruit taste, environmentally friendly products.

Аннотация

Ҳозирги вақтда аҳолининг жадал суръатлар билан кўпайиши бир қатор муаммоларни юзага келтирмоқда. Шундай муаммолардан бири бу аҳолини тўйимли озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришдир. Бу муаммони бартараф этиш учун эса мавжуд ер майдонларидан унумли фойдаланиш ва юқори тўйимлилик даражасига эга бўлган ўсимликлар майдонини кўпайтириш зарур. Бугунги кунда республикамиз ўрмон хўжалиги соҳасида кенг кўламли ислохотлар олиб борилиб, бу борада, айниқса, ёнғоқмевали дарахт турларини кўпайтириш, уларнинг ҳосилдорлигини ошириш ҳамда янги навларни жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Калит сўзлар: грек ёнғоғи, шакл, нав, фенологик, морфологик, биоэкологик, таксацион, аналитик, минтақалар, намлик билан кам таъминланган, статистик, вегетатив, генератив, мева таъми, экологик тоза маҳсулотлар.

Кириш.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017–2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, аграр секторнинг экспорт салоҳиятини сезиларли даражада ошириш» вазифалари белгилаб берилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 11 май «Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» ПҚ-2966-сон Қарори; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 июнь «Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини тузиш ва унинг фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-3025-сон Қарори [1]. И.В. Мичурин ёнғоқларни “Келажакнинг нони” деб бежиз атамаган. Улар тўйимлилиги билан инсон озиқланадиган асосий маҳсулотларга: нон, гўшт, сут, балиқдан юқори ва сарёғча яқин туради. Ўзбекистон тоғларида неча асрлар мобайнида табиий ҳолда ўсиб келаётган ёнғоқзорлар уруғидан, ўз – ўзидан қайта тикланиб шу давргача етиб келган [2]. Уларни истиқболли навларини танлаш, кўпайтириш ва меваларини экспорт қилиш ҳажмини кенгайтириш лозим.

Тадқиқот услублари.

Грек ёнғоғининг саноат плантацияларини барпо этиш учун мос бўлган минтақалар: намлик билан кам таъминланган) ва ўртача таъминланган ҳудудлардаги тажриба майдонларида фенологик, морфологик ва биоэкологик кўрсаткичлари таксацион ва аналитик услублар бўйича ўрганилади. Грек ёнғоғи шакллари селекция баҳолаш ишлари Ф.Л Щепотьева томонидан 1976 йилда ишлаб чиқилган ҳамда В.И Чебанова, Г.Т Блашниковалар томонидан такомиллаштирилган “Методы отбора и вегетативного размножения ореха грецкого на Северном Кавказе” услубига асосан олиб борилди. Олинган натижаларга статистик ишлов бериш Б.А.Доспехов услубига асосан бажарилди.

Ёнғоқ шакллари комплекс баҳолаш қуйидагиларни ўз ичига олади: совуққа чидамлилиги, ҳосилдорликни баҳолаш, ҳосилдорликни ўзгариши, касалликларга чидамлилиги, мева морфологик кўрсаткичлари. Ёнғоқ шакллариининг совуққа чидамлилиги вегетатив ва генератив органларининг зарарланиш даражаси билан 5 баллик, ҳосилдорликни баҳолаш шакл ва навнинг биологик хусусиятлари асосида 6 баллик, ҳосилдорликни ўзгариши 3 баллик, касалликларга чидамлилиги 4 баллик, мева оғирлиги 5 баллик, мева

сифатининг баҳоси 5 баллик, пўстлоқ қалинлиги 3 баллик, мағизнинг чиқиш даражаси 5 баллик, мева таъми 5 баллик, мағизнинг тўлиқлилик даражаси 4 баллик, мева ўлчамлари 5 баллик, мева диаметри 5 баллик тизимда баҳоланади.

Грек ёнғоғи шакл ва навларининг хўжаки белгиларини комплекс баҳолаш қуйидагича бўлади: Баҳолаш баллари йиғиндиси 49 – 59 балл – 5 балл, 40 – 48 балл – 4 балл, 31 – 39 балл – 3 балл, 22 – 30 балл – 2 балл ва 13 – 21 балл – 1 балл;

Тадқиқот натижалари: Илмий-тадқиқот ишлари февраль ойида бирламчи маълумотлар йиғиш давом эттирилди. Бунда Ёнғоқнинг табиий ва маданий ўрмонларида ёнғоқ мева ўлчами ва ҳажмига кўра турлича шаклларни юзага келтирган. Тадқиқот ишлари Тошкент вилоятининг Бўстонлик, Паркент ва Оҳангарон туманларидаги ёнғоқзорлардан танлаб олинган шакллар бўйича амалга оширилди. Бунда табиий ёнғоқзор мавжуд бўлган Паркент ҳудудидаги Паркент – 3 шакли назорат варианты сифатида белгилаб олинди, қуйидагича кўрсаткичлар олинди.

1-жадвал Тошкент воҳасидаги грек ёнғоғи истиқболли шаклларининг мева оғирлик кўрсаткичлари

№	Ёнғоқ шакллари	Ёнғоқ оғирлиги, грамм	Ёнғоқ мағзининг оғирлиги, грамм	Мағиз чиқиш даражаси, %
1	Паркент – 3 (назорат)	7,8±0,29	4,1±0,15	51,6±0,59
2	Ғазалкент – 3	14,1±0,71	6,1±0,50	43,3±1,72
3	Сижжак – 1	16,3±0,53	6,2±0,28	38,2±0,58
4	Хумсон – 2	9,4±0,15	4,7±0,36	50,6±4,33
5	Хумсон – 3	12,3±1,24	5,5±0,47	45,4±1,35
6	Хумсон – 5	8,3±0,44	4,8±0,29	58,0±1,40
7	Паркент – 2	8,8±0,78	6,3±0,02	63,3±1,53
8	Оҳангарон – 1	10,9±0,56	4,8±0,05	41,3±0,27

Танлаб олинган шаклларнинг мева оғирлиги таҳлил этилганда, Сижжак–1 шакли бошқа шаклларга нисбатан юқори кўрсаткичга эга бўлди (мева оғирлиги 16,3±0,53 грамм). Унинг мева оғирлиги бўйича селекцион бали 5 бални ташкил этган бўлса, Ғазалкент–3, Оҳангарон–1 ва Хумсон–3 навларининг селекцион бали 4 бални ташкил этди (мева оғирлиги 10,9±0,56–14,1±0,71 грамм). Уларнинг мева оғирлик кўрсаткичлари назорат вариантыга нисбатан 1,4–2,09 мартаба юқори эканлиги аниқланди. Хумсон–2, Хумсон–5 ва Паркент–2

шакллари эса мева оғирлиги бўйича паст кўрсаткичга яъни $8,3\pm 0,44-9,4\pm 0,15$ граммни ташкил этди. Бу эса уларнинг селекцион баҳоси 3 балга тенглигини кўрсатади. Танланган истиқболли шакллар меваларининг ўлчамлар бўйича таҳлил кўрсаткичлари иловада келтириб ўтилади.

Ёнғоқзорлардаги биохилмахиллик юқори бўлганлиги сабабли уларни ўрганиш, истиқболли шаклларни танлаб олиш зарур ҳисобланади. Истиқболли шаклларни танлаш учун эса Бўстонлиқ, Паркент ва Оҳангарон туманларида ўсиб ривожланаётган дарахтлар танлаб олинди. Тошкент воҳасидаги ёнғоқзорларда олиб борилган тадқиқотлар ҳудуддаги ёнғоқлар мева оғирлиги $8,3\pm 0,44-16,3\pm 0,53$ граммни ташкил этишини кўрсатди. Олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра Сижжак-1 шаклини мева оғирлиги бўйича истиқболли шакл сифатида ўрганиш мумкин.



1-расм. Ёнғоғи истиқболли шаклларининг мева оғирлик кўрсаткичлари

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида, март ойида танлаб олинган истиқболли шакллар 2-апрелдан ёнғоқ уруғлари $20-25^{\circ}\text{C}$ хона шароитида 12×24 см, ҳажмдаги кичик контейнерларга 24-30 донадан сувга стрификация учун қўйилди. Хар куни уруғларнинг суви 2 мартаба алмаштирилиб борилди. Биринчи ўн кунликда Бойсун -1 шаклларида мевада ўзгариш кузатилди яъни уруғларда илк бор нектарлари кўрина бошлади. Иккинчи ўн кунликнинг биринчи ярмида Ғазалкент – 3, Сижжак-1, Хумсон-2 ва Паркент – 2 шакилларида нектарлари кўрина бошлади. Шакл ўзгариши кузатилган уруғларни қумга кўчириб ўтказилди. Хафтанинг хар кунидида бир мартаба қумга кўмилган уруғларни устидан сув пуркаб турилди ($20-25^{\circ}\text{C}$ хона шароитида). Апрель ойининг учинчи ўн кунликда Бойсун -1 шаклларида мевада ўзгариш кузатилди яъни уруғларда илдиз бачкилари кўрина бошлади. ойининг охириги кунларида Ғазалкент – 3, Сижжак-1, Хумсон-2 ва Паркент – 2 шаклларида илдиз бачкилари намоён бўла бошлади.



2-расм. Дала шароитида уруғларнинг экилиш чуқурлиги ва оралиги, см

Олиб борилган тажрибаларда дала шароитида ўсиб-ривожлаётган кўчатларнинг ҳолати яхши эканлиги аниқланиб, уларнинг ўсиш кўрсаткичлари таҳлил этилганда, баландлиги ўртача 35-55 см ни, илдиз бўғзининг диаметри эса 7,2-9,7 мм ни ташкил этди. Континерларга экилган грек ёнғоғи кўчатлари доимий равишда ҳар беш кунда бир мартоба суғорилиб борилди. Ҳозирги вақтда ниҳолларнинг бўйи 42–65 см ўлчамни ташкил этиб, ўсиб-ривожланиш ҳолати қониқарли даражада. Ўсиб-ривожланаётган кўчатларни кузатиш мобайнида уларни касаллик билан зарарланганлик ҳолати кузатилди.

Ўстирилаётган кўчатларнинг шохланиш даражаси таҳлил этилганда континерларда ўстирилаётган кўчатларда 5 - 11 тани, дала шароитида ўсаётганларда эса 3 - 7 тани ташкил этди. Бу эса континерларларда ўсиб-ривожланаётган ёнғоқ кўчатларини тез ривожланаётганлигидан далолат беради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти 2017 йил 1 июнь, ПҚ-3025-сонли қарори.
2. Озолин Г.П. Орехоплодные в Узбекистане. Ташкент - «Мехнат», 1990.

**ХОРАЗМ ТУПРОҚ-ИҚЛИМ ШАРОИТИДА ДОРИВОР ТИРНОҚГУЛ
(*CALENDULA OFFICINALIS* L.) УРУҒЛАРИНИНГ УНУВЧАНЛИГИ**

¹Худайберганов Н.А., ²Тўхтаев Б.Ё

¹*Хоразм Маъмун академияси, Ўзбекистон*

²*“Shafran Ilmiy Tadqiqot Markazi” МЧЖ, Ўзбекистон*
shafranitm@umail.uz

**SEED GERMINATION OF MEDICINAL PLANT - CALENDULA
(*CALENDULA OFFICINALIS* L.) IN SOIL AND CLIMATE CONDITIONS
OF KHORAZM PROVINCE**

¹ Khudaiberganov, N.A., ²Tukhtaev, B. Yo.

¹*Horezm Academy of Mamun, Uzbekistan*

²*LLC “Scientific and Research Center -Shafran”, Uzbekistan*
shafranitm@umail.uz

Abstract.

60-65% of the irrigated land in the country is affected with soil salinity. To this end, numerous scientific studies are being carried out on introduction of medicinal plants in the production systems and establishment of their plantations in soil salinity affected lands in Khorezm, Bukhara and Navoi provinces and Republic of Karakalpakstan. This research on seed germination of calendula in soils affected with salinity in average level in Khorezm oasis and the timing of their planting will be used as guidelines for specialized enterprises growing medicinal plants in future.

Key words: saline soils, acclimatization, medicinal plants, seed germination, agrotechnical practices, plantation.

Аннотация.

Маълумки, республикамиз ҳудудларида мавжуд суғориладиган ерларнинг 60-65 фоизи турли даражада шўрланган. Шу мақсадда Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро ва Навоий вилоятларининг шўрланган тупроқларида доривор ўсимликларни интродукция қилиш ва плантацияларни ташкил этиш бўйича кўпгина илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Хоразм воҳасининг ўртача шўрланган тупроқларида доривор тирноқгулнинг уруғ унувчанлиги ва унинг экиш муддатлари бўйича мазкур иш келажакда ушбу ҳудудлардаги ихтисослаштирилган доривор ўсимликлар хўжаликларига тавсиянома сифатида қўлланилади.

Калит сўзлар: шўрланган тупроқлар, интродукция, доривор ўсимликлар, уруғ унувчанлиги, агротехника, плантация.

Кириш.

Дунёда табиий шароитларда ўсган доривор ўсимликлардан олинадиган дори воситаларига талаб ошиб бормоқда. Шу боисдан ҳам табиий шароитда ўсадиган доривор ўсимликларни қишлоқ хўжалигида маданий ўсимликлар қаторига киритиш орқали уларнинг хом ашё базасини кенгаштириш муҳим долзарб масалалардан биридир.

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида мамлакат фармацевтика саноатини турғун ва барқарор хом ашё базаси билан таъминлаш ва шу асосда экологик тоза дори воситаларини ишлаб чиқишнинг асосий йўлларида бири бу – табиий ва ёввойи шароитларда ўсадиган доривор ўсимликларни қишлоқ хўжалигида маданий ўсимликлар қаторига киритиш деб кўрсатилган.

Табиий шароитларда ўсувчи доривор ўсимликлардан самарали фойдаланишнинг муҳим йўналишларидан бири бу – доривор ўсимликларни сақлаш ва улардан самарали фойдаланишнинг узок муддатларга мўлжалланган илмий дастурини ишлаб чиқиш ҳисобланади. Ушбу дастурни амалга ошириш учун эса Ўзбекистонда етарли хом ашё захираси билан таъминланган ёввойи ҳолда ўсадиган доривор ўсимликларни излаб топиш, уларни парваришлаш ва етиштириш агротехикасини чуқур, илмий асосда ўрганиш, ҳар бир ҳудуднинг мавжуд доривор ўсимликлар арсеналини кенгайтириш, фармацевтика саноати корхоналарнинг доривор ўсимликлар хомашёсига бўлган талабини қондириш ва улар асосида турли хил биологик фаол қўшимчалар, фитопрепаратлар ва йиғма чойлар олиб уларни ишлаб чиқаришга жориш қилиш ҳозирги кунда энг долзарб ва истиқболли йўналишларидан ҳисобланади [1,2].

Доривор ўсимликлар табиий заҳираларини муҳофаза қилиш ва сақлаш, улардан оқилона фойдаланиш, табиий дори воситаларини олиш учун доривор ўсимликларнинг ҳом ашё базасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш мақсадида қишлоқ хўжалигига доривор ўсимликлар турларини киритиш мақсадга мувофиқдир. Ана шундай доривор ўсимликлардан бири доривор тирноқгул (*Calendula officinalis* L.) ҳисобланади [3].

Шу боисдан 2019 йилда Хоразм Маъмун академиясининг экспериментал тажриба базаси далаларига доривор тирноқгулнинг интродукцияси, интродукция шароитида ўсимликларни иқлим ва тупроқ шароитларига бўлган муносабатлари ёки ўсимликларда кечадиган морфологик ва физиологик ўзгаришлари, биоэкологик хусусиятлари, ўсиш-ривожланиш кўрсаткичларини

интродукцион баҳолаш, ҳосилдорлик кўрсаткичлари, хом ашё таркибини таҳлил қилиш бўйича илмий тадқиқот ишлари амалга оширилди.

Тадқиқот методикаси.

Тадқиқотларимиздан асосий мақсад замонавий усулларидадан фойдаланиб юқорида номлари келтирилган доривор ўсимликларнинг биологиясини, уларнинг морфологик ва физиологик хусусиятларини ўрганиш ҳамда етиштириш агротехникасини ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Хоразм Маъмун академияси экспериментал тажриба базаси далаларининг тупроқлари эскидан деҳқончилик қилиб келинаётган, маданийлашган, ўртача шўрланган, гранулометрик таркибига кўра енгил ва ўртача кумоқ бўлиб, воҳада кенг тарқалган тупроқлардан ҳисобланади.

Тажриба даласини танлаш ва ўтказиш, тупроқ ва ўсимликларнинг намуналарини олиш ва тайёрлаш, уруғларнинг униб чиқиши, ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланиши фазаларини фенологик кузатиш ҳамда ҳосилини йиғиштириб олиш ЎзПТИ (2007) услублари асосида амалга оширилди.

Тадқиқот натижалари.

Олиб борилган илмий-тадқиқотларимизда доривор тирноқгулнинг асосий ривожланиш фазаларига экиш муддатлари ва экиш чуқурлигининг таъсири ўрганилди. Фенологик кузатиш натижаларига кўра, энг яхши, оптимал натижа экиш муддати 4 мартда, қатор ораси 60 см, экиш чуқурлиги 3 см бўлганда, яъни, доривор тирноқгулнинг униб чиқишидан биринчи чинбарг ҳосил бўлишигача бўлган ўртача муддат 7 кунни, биринчи чинбарг ҳосил бўлиши давридан шоналаш давригача ўртача 39 кунни, шоналаш давридан гуллаш давригача ўртача 48 кунни, вегетация давомийлиги ўртача 181 кунни, гуллаш давомийлиги эса ўртача 72 кунни ташкил қилгани кузатилди (жадвал).

Жадвал Доривор тирноқгулнинг асосий ривожланиш фазаларига экиш муддатлари ва экиш чуқурлигининг таъсири, сутка

Қатор ораси, см.	Экиш чуқурлиги, см.	Экиш муддати	Униб чиқиши-биринчи чинбарг ҳосил бўлиши	Фенологик фазалари			
				биринчи чинбарг ҳосил бўлиши - шоналаш	Шоналаш-гуллаш	Вегетация давомийлиги	Гуллаш давомийлиги
60	2	27.02.	8,0	38	46	180	71

60	3	27.02.	7,0	39	48	181	72
60	4	27.02	11	37	45	176	68
60	2	04.03.	13	33	42	171	67
60	3	04.03.	13,0	34	41	173	66
60	4	04.03.	10	34	42	171	65
60	2	10.03.	10	35	43	170	67
60	3	10.03	12,0	33,1	40	179	62
60	4	10.03	10	36	45	175	63

Хулоса.

Дастлабки илмий тадқиқотлар натижаларига кўра, хулоса қилиш мумкинки Хоразм воҳасининг тупроқ-иқлим шароитида доривор турноқгулнинг экиш муддати, экиш схемаси (қатор ораси 60 см, экиш чуқурлиги 3 см) аниқ белгиланди ва ушбу ўсимлик танланган схемада экилганда гул ҳосилдорлиги унумдор ерларда экилган ҳосил миқдоридан кам эмаслиги аниқланди. Кейинги жараён хомашёнинг сифат кўрсаткичлари таҳлил этилиб, Хоразм воҳасининг тупроқ ва иқлим шароитида фаолият олиб бораётган доривор ўсимликларга ихтисослаштирилган хўжаликларга тавсия қилинади. Илмий тадқиқотлар давоғи этмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ашурметов О. А., Тўхтаев Б. Ё. Доривор ўсимликлар интродукциясининг тарихи, муаммолари ва истиқболлари // Ўсимликлар интродукцияси: муаммолари ва истиқболлари: Республика илмий - конференция материаллари. – Хива: ХМА, 2003. – Б. 12-15.
2. Кузнецова Л.В., Маланкина Е.Л., Козловская Л.Н. Новые декоративные сорта календулы лекарственной (*Calendula officinalis* L.) в качестве источников лекарственного растительного сырья // Материалы международной научно-практической конференции «Фитодизайн в современных условиях» БелГУ - Белгород, 2010.-С. 327-329.
3. В.А. Гущина, О.А. Тимошкин, Е.Н. Вельмисева Влияние гидротермических условий периода вегетации на продуктивность календулы лекарственной / //Вестник Саратовского ГАУ им. Н.И. Вавилова. 2014- №1-С. 11-15.

**ФАРҒОНА ВОДИЙСИ ИҚЛИМ ВА ТУПРОҚ ШАРОИТИДА ДОРИВОР
ЛАВАНДА (*LAVANDULA OFFICINALIS* L.) НИ КЎПАЙТИРИШ
УСУЛЛАРИ**

Тўхтаев Б.Ё., Хомидов Ж.Ж., Сафаров И.Б.

Шафран илмий тадқиқот маркази, Ўзбекистон
shafranitm@umail.uz

**TECHNOLOGY OF MULTIPLICATION OF LAVENDER MEDICINAL
PLANT (*LAVANDULA OFFICINALIS* L.) IN CLIMATE AND SOIL
CONDITIONS OF FERGANA VALLEY**

Tukhtaev, B. Yo., Khomidov, Zh.Zh., Safarov, I.B.

Shaffron Research Center, Uzbekistan
shafranitm@umail.uz

Abstract.

Currently, there is a lot of researches on introduction and adaptation of medicinal plants have been carried out in soil and climatic conditions of the Republic and establishment of their large-scale plantations in the future. At global level medicinal lavender is used in various sectors of national economies. Therefore, research has being conducted to study and develop technologies on introduction and multiplication of this medicinal plant. At this stage, preliminary results of vegetative or generative multiplication of lavender in different parts of Ferghana Valley are obtained.

Key words: medicinal plants, introduction, medicinal lavender, agrotechnical practices, vegetative and generative reproduction, plantation.

Аннотация.

Ҳозирги вақтда республикамизнинг тупроқ ва иқлим шароитида доривор ўсимликларни интродукция қилиш ва унинг адаптациясини таъминлаш ҳамда келажакда кенг масштабда плантацияларни ташкил этиш борасида кўпгина илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Халқаро миқёсда доривор лаванда турли саноат тармоқларида ишлатилади. Шу мақсадда мазкур доривор ўсимликни маҳаллий шароитда интродукция қилиш ва унинг кўпайтириш усуллари тадқиқ этиш борасида илмий тадқиқот ишларимиз олиб борилмоқда. Ҳозирги босқичда Фарғона водийсининг турли воҳаларида ўсимликнинг вегетатив ёки генератив жиҳатдан кўпайтириш усуллари тадқиқот дастлабки натижалари аниқланди.

Калит сўзлар: доривор ўсимликлар, интродукция, доривор лаванда, агротехника, вегетатив ва генератив кўпайтириш, плантация.

Кириш.

Ўзбекистон флорасига мансуб доривор ўсимликларни ўрганиш ҳамда ўзга флорага мансуб бўлган доривор ўсимликларни интродукция қилиш ва иқлимлаштириш, яъни маҳаллий фармацевтика ишлаб чиқариш тармоғини маҳаллий хом-ашё билан таъминлаш ва доривор воситалар ишлаб чиқариш мустақиллик йилларида долзарб вазифалардан бири бўлиб давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 майдаги ПФ-5032 сонли фармони билан “Нукус- фарм, Зомин - фарм, Косонсой - фарм, Сирдарё - фарм, Бойсун – фарм, Паркет – фарм ва Бўстонлик - фарм ” республикамизда 7 та фармацевтика соҳасидаги эркин иқтисодий ҳудудларининг ташкил этилганлиги ва Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПК-2966-сон қарори, 2017 йил 26 июлдаги 544-сонли қарори билан Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти Андижон филиали ташкил этилиши мазкур сиёсатнинг амалдаги ижросини ифода этади [1].

Илмий изланишларимизда режалаштирилган тадқиқотлар Доривор лаванда (*Lavandula officinalis* L.) нинг Андижон иқлим ва тупроқ шароитида интродукцияси ва иқлимлаштирилиши ҳисобланиб, ушбу доривор, озик овқат, пафюмерия ва нектарбоп ўсимликни маҳаллий шароитда катта масштабда плантацияларини ташкил этиш ва халқ хўжалиги учун экспортбоп ҳамда импорт ўрнини қопловчи хом-ашё базасини яратиш мақсад қилинган [3].

Ўсимликнинг систематикаси. Доривор ёки ҳақиқий лаванда (*Lavandula angustifolia - officinalis*), Лаванда (*Lavandula*) туркуми, Лабгуллилар (*Lamiaceae*) оиласига мансуб ярим бута ўсимлик. Ўсимликнинг тарқалиши. Ўсимликнинг ватани Ўрта Ер денгизининг Франция ва Испания қирғоқлари ҳисобланади. Ўсимлик табиий ҳолатда Европанинг ҳамма жойларида, Шимолий Африка ва Шимолий Америкада экилади. Россияда табиий ҳолатда Қора денгиз бўйларида, Кавказда ўсади.

Доривор лаванда уруғини экиш баҳор ойларида +16, +21°С бўлганда махсус яшиқлар ёки контейнерларга экилган кўчатлар ташқарига очик майдонда экишга тавсия этилади [4]. Доривор лаванда ўсимлик қаламчаларидан кўпайтириш учун ўсимликни кеч кузда 10-12 см да қаламчалар тайёрлаб, 6-8 см чуқурликда тупроққа кўмиб қўйиш керак. Тайёрланган қаламчалар эрта баҳор ойларида +16, +21°С ҳароратда очик майдонда экиш мумкин ва биринчи йилдаёқ гуллаш фазани ўтайди [5].

Доривор лаванда ўсимлиги одатда июнь, июль ойларида гуллайди ва кучли ўткир ёқимли ҳид тарқатади. Ўсимликни бўйи шу даврга келиб 1 метр ва ундан баландроқ бўлиши мумкин. Ўсимлик қишга тайёргарлик жараёнида ўша бўйини сақлаб қолади. Новдалари пишиб етилиб, кучли совуққа чидамли бўлиши аниқланган [6].

Доривор лаванда ўсимлиги Европа давлатларида кенг оммалашган бўлиб, фақат косметалогия ва фарм саноати учун эмас, аҳоли яшаш жойларини ободонлаштиришда, боғ-парклар қурилиш архитектурасида фойдаланилади. Шунингдек, халқтабобатида кенг қўлланилади [7]. Доривор лаванда ўсимлигининг фойдали хусусиятлари аллақачон қадим замонларда маълум бўлган. Инсон бу ўсимликларни озиқ-овқат таъмини яхшилаш, турли касалликларни даволаш учун ишлатган. Дастлаб улар хом ашё сифатида ишлатилган ёки келажак учун қуритилган ҳолда сақлаш учун олиб қўйганлар. Кейинчалик лаванда ўсимлигидан эфир ёғи олишни бошладилар. Лаванда ўсимлигидан фойдали ароматик таъм ва турли хил хушбўй озиқ-овқат маҳсулотлари, ҳидли совун ишлаб чиқариш кенг тарқалгандан сўнг, бу ўсимлик бошқа қишлоқ хўжалик экинлари қаторида етиштири бошланди.


Тадқиқот методикаси.

Тажрибалар 2018 йил Б.А. Доспехов (1985), Э.Очилов, Н.Қашқаров (1997) методи ёрдамида олиб борилди ва олинган натижалар компьютерда (MS-Excel дастурида) математик ишловдан ўтказилди [2].

Доривор лавандани Фарғона водийси иқлим ва тупроқ шароитда интродукцияси дастлабки босқич илмий тадқиқотлари Андижон вилояти Пахтаобод туманида оч тусли бўз тупроқ шароитида, Наманган вилояти Учқурғонтумани шароитида ҳамда Фарғона вилояти Бешариқтумани шароитида олиб борилди. Тажрибаларимиз давомида интродукция қилинаётган доривор лаванда ўсимлиги униб чиқиш жараёни уч хил муҳитда: яъни маҳаллий ўғит қўлланилган муҳит, қумли тупроқ шароитида ҳамда оддий тупроқ шароитида экилиб ўрганилди.

Илмий тадқиқотларимизда дастлаб тажриба иссиқхона шароитида 3 та вариант - тупроқ, махсус тайёрланган гўнгли субстрат (3x1x1-тупроқ-гўнг-қум), қумлоқ субстрат ҳамда уч қайтариқ қилиб белгиланди ва тайёрланди. Ҳар бир қайтариқ учун янги териб олинган уруғлар куз ва қиш ойларида (ноябрь-декабрь-январь) 100 донадан ажратиб олинди. Уруғлар 0.5-1 см

тупроқ чуқурлигида экилди. Уруғлар униб чиққунгача бўлган вақт, 3-4 кунда бир марта лейкада (катта майдонда захлатиб суғориш 1000-1200 м³) суғориб турилди. Экилган уруғлар 15-20 кун давомида бўртиб ва ниш ура бошлади. 30-35- кунларда дастлабки майсалар пайдо бўлди.



Расм. Тажрибалар давомида экилган уруғларни униб чиқиш кўрсаткичлари ИЗОҲ; 1. Оддий тупроқ шароитида (%) 2. Қумли тупроқ шароитида (%) 3. Ёғоч тўпони, қум, маҳаллий чиринди ва тупроқ шароитида (%).

Расмдаги кўрсаткичларни таҳлил қилинганда доривор лаванда уруғлари 3 хил шароитда экилганда Андижон вилоятининг тупроқ ва иқлим шароитида кам миқдорда унувчанлиги юқори бўлган. Шунингдек уруғ унувчанлигига субстратнинг таъсири сезиларли даражада бўлганлиги маълум бўлади.

Апрель ойининг бошларида кўчатларнинг баландлиги 10-14 см ни ташкил этди. Шу вақтга келиб, тайёр бўлган 60 донадан кўчатлар 90 см ли қаторлар ораларида алоҳида майдонларга қайта экилди. Тажрибаларда кўчатлар экилгандан сўнг кечқурун захлатиб (соат 17-18 лар оралиғида 1000-1200 м³ миқдорида чиқартирувчи суғориш) суғорилди. Биринчи вегетация йили давомида ўсимликлар 7-8 марта суғориш ва 2 марта чопиқ тадбири амалга оширилди.

Тажрибаларда олинган натижалар таҳлил этилганида, доривор лаванда ўсимлиги экилган уруғларининг унувчанлик даражасини ортиб боришига маълум тупроқ шароитнинг ўзгариши ёки махсус тайёрланган муҳит (субстрат) да фарқ даражаси катта таъсир этганлиги маълум бўлди.

Тадқиқот натижалари.

Дастлабки таҳлилларга кўра, ҳар учала вилоят иқлим ва тупроқ шароитида ҳам, махсус тайёрланган субстрат (махсус ёғоч тўпони, қум, маҳаллий чиринди ва тупроқ) шароитида уруғларнинг униб чиқиш, ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиш кўрсаткичлари ижобий ҳолатда эканлиги 1-нчи вегетация йилидаёқ аниқланди. Ҳамма тажриба вариантлари (схемали тайёрланган субстрат)да, назорат варианты, яъни оддий тупроқ шароитига экилган ўсимликларга нисбатан юқори натижага эришилди.

2018 йил декабр ойида доривор лаванда ўсимлиги шохларидан 12-15 см узунликда қаламчалар тайёрлаб, махсус иссиқхона шароитида қаламчаларни 3 та вариант - тупроқ, махсус тайёрланган гўнгли субстрат (3x1x1-тупроқ-гўнг-қум), қумлоқ субстрат ҳамда уч қайтариқ қилиб ўтказилди. Доривор лаванда қаламчаларининг униши бўйича тажриба олиб борилди. Ҳар бир вариантда 60 донадан қаламча, ҳар бир қайтариқда 20 донадан ажратилиб илдиз ўстирувчи (Корнавин) суюқлиги билан суғорилди. Доривор лаванда қаламчалари доим яшил ўсимлик бўлганлиги учун намлиги бир меъёردа ушлаб турилди. Доривор қаламчалар 25-30 кундан сўнг янги барг чиқара бошлади. Дастлаб нисбатан устки қисмидан олинган қаламчалар биринчи янги барг ҳосил қилишни бошлади. Ёғоч тўпони, қум, маҳаллий ўғит чириндиси ва тупроқ тенг шароитида биринчи бўлиб доривор лаванда қаламчалари янги барг ҳосил қилди. Оддий тупроқ шароитида доривор лаванда қаламчалари униш даражаси юқори бўлди.

Доривор лаванда ўсимлигини қаламчаси орқали кўпайтириш ҳам самарали усуллардан эканлиги юқоридаги расм орқали кўриниб турибди.

Ўсимликнинг ўсиши ва ривожланиши, онтогенез босқичларидаги давомийлиги ва ҳосилдорлиги кўрсаткичлари бўйича таҳлилларимизни кейинги ишларимизда батафсил тўхталамиз.

Хулоса.

Шундай қилиб, доривор лаванданинг интродукцияси бўйича амалга оширилган дастлабки илмий тажрибаларнинг натижаларига асосланиб қайд этадиган бўлсак:

- Фарғона водийсининг тупроқ ва иқлим шароитида доривор лаванданинг қаламчалари орқали кўпайтириш, ўсимликнинг 2-нчи вегетация йилидаги ўсиши ва ривожланиши кўрсаткичлари адабиётлардаги манбалардан олинган кўрсаткичларга нисбатан анча юқори бўлиб, мазкур шароитда ўсимликнинг

интродукцияси ва кейинги босқичда кенг масштабда кўпайтириш самара беради;

- Доривор лавандани Фарғона водийсининг тупроқ ва иқлим шароитида интродукцияси ва амалда режалаштирилган илмий тадқиқотлар ушбу ҳудудда импорт ўрнини боса оладиган ва ўз ўрнида экспортбоп маҳаллий хом-ашё тайёрлаш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. 2017 йил 11 майда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2966-сон қарори
2. *Доспехов Б.А.* Методика полевого опыта. - М.: Агропромиздат, 1985. - С. 9-23.
3. *Тўхтаев Б.Ё.* Ўзбекистонда доривор ўсимликлар интродукцияси. Ўсимликлар интродукцияси муаммолари ва истиқболлари VI Республика илмий амалий конференция материаллари (2009 йил 3-4 июл) Тошкент 2009. Б 6-9.
4. *В.И. Машановым ва А.К. Кальченко.* “Биологические основы возделывания лаванды”. 1972 й Симферополь.
5. <http://ogorodsadovod.com/entry/1215-posadka-i-ukhod-za-lavandoi>
6. [Узбекистанaska-drive.com](http://uzbekistanaska-drive.com)
7. www.google.ru LAVANDA. Лаванда: секреты выращивания [Yana Yanavskaya](#)
3 марта 2013, 19:07

STUDY OF RELATIONSHIP WITHIN SOME SPECIES OF GENUS *ASTRAGALUS* IN THE SYRIAN FLORA USING SEEDS CHARACTERISTICS

Walid Ali Ali

*General Commission for Scientific Agricultural Research (GCSAR),
Damascus, Syria.*

ИЗУЧЕНИЕ СВЯЗЕЙ МЕЖДУ НЕКОТОРЫМИ ВИДАМИ РОДА *ASTRAGALUS* В СИРИЙСКОЙ ФЛОРЕ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ ХАРАКТЕРИСТИК СЕМЯН

*Генеральная комиссия по научным сельскохозяйственным исследованиям
(GCSAR),
Дамаск, Сирия.
botanist.waleed2014@gmail.com*

Аннотация

Морфологические, анатомические, физико-механические характеристики 10 видов астрагала, включая *A. asterias*, *A. boeticus*, *A. brachyceras*, *A. corrugatus*, *A. guttatus*, *A. hamosus*, *A. oxyglottis*, *A. schemperi*, *A. tribuloides* и *A. trimestris* были изучены на станции El Jemmaseh Исследовательского центра в Тартусе в 2017-2018 гг., чтобы охарактеризовать семена изучаемых видов и определить важность этих признаков в классификации и генетических отношениях внутри рода. Результаты кластерного анализа показали, что две основные группы имеют уровень сходства 25. Первая группа включала один вид *A. boeticus*, а вторая группа разделилась на две подгруппы, которые включали виды: *A. hamosus*, *A. trimestris*, *A. asterias*, *A. oxyglottis*, *A. brachyceras*, *A. tribuloides*, *A. corrugatus* и *A. guttatus*.

Ключевые слова: астрагал, семена, морфологические признаки, физические, механические.

Abstract

Morphological, anatomic, physic and mechanical characteristics of 10 *Astragalus* species including *A. asterias*, *A. boeticus*, *A. brachyceras*, *A. corrugatus*, *A. guttatus*, *A. hamosus*, *A. oxyglottis*, *A. schemperi*, *A. tribuloides* and *A. trimestris* were studied at El Jemmaseh Station – Tartous Research Center in 2017-2018 to characterize the seeds of the studied species and determine the importance of these characters in classification and genetic relationship within the same genus. The results of cluster analysis exhibited two main groups with similarity level of 25. The first group included one species *A. boeticus*, while the second group split into two sub-groups which included: *A. hamosus*, *A. trimestris*, *A. asterias*, *A. oxyglottis*, *A. brachyceras*, *A. tribuloides*, *A. corrugatus* and *A. guttatus*.

Key words: *Astragalus*, seeds, morphology traits, physic, mechanical.

Introduction

Flora is the wild plants which live naturally without human acts in geographic region in small or big area or may cover the whole continent. Syrian flora includes Irano-Turanian elements and Mouterde (1986) recorded about 3,077 species in the Syrian and Lebanon flora which belong to 133 families and 919 genera. 243 of them are endemic plants.

Astragalus is being on top of seed plant genera with 3,270 species of herbaceous perennial and annual plants (Frodin, 2004). Legumes are known with hard seed coat, which has unequal external sclerenchymatus palisade epidermal layer. *Astragalus* seeds exhibit hardness and physical dormancy that delay and reduce germination percentage (Patanè and Gresta, 2006).

Astragalus species are used mainly as superior tonics, for shortness of breath, treatment of general weakness, lack of appetite, stomach ulcers, diabetes, nephritis, chronic bronchitis, postpartum urine retention and leprosy and to invigorate vital energy (El-Hawiet et al., 2010). This study aimed to describe and characterize the seeds of the studied species and determine the importance of these characters at systematic in classification and genetic relationship using some characteristics for medical uses and rare studies in the Syrian flora.

Materials and methods

Seeds of 10 *Astragalus* species obtained from International Center for Agricultural Research in the Dry Areas (ICARDA) were studied at El Jemmaseh Station–Tartous Research Center in 2017-2018 .

Seed morphology and physics: Characters of shape and color, dimensions (mm) and thickness (mm). Physical and mechanical characters of seeds were studied according to Ghamari et al. (2014) and Mansouri et al. (2017). Physical and mechanical characters measurement included geometric mean diameter - D_g , arithmetic mean diameter - D_a , sphericity - ϕ , surface area - S_A , volume - V , flakiness ratio - F_R , elongation ratio - E_R , weight, size and specific gravity:

Anatomical features of seed testa sclereids: Seed testa sclereids were examined using maceration method (Nassar and El-Sahhar, 1998), in which, seed testa was soaked for 2 hours in a blend of equal volume of chromic and nitric acids, small amount was smeared to examine sclereids using HDCE-10C camera.

Statistical analysis: Data were analyzed using SPSS v20 for similarity matrix and relationship tree.

Results

Results exhibited varied seed shape with many geometric shapes as elliptic, kidney-elliptic, blique, bacillary, spherical and rectangular. Brown color was common character between brown to green brown and light brown (Table and Figure 1). *A. boeticus* has the biggest size of seed and *A. oxyglottis* – the smallest. It was marked that *Astragalus* seeds are bigger in width than in length caused lesser in elongation. Seeds of *A. boeticus* have the biggest width (3.77 mm) and seeds of *A. tribuloides* have the smallest width (0.65 mm) which is in agreement with data reported by Bojnáský and Fargašová (2007) for *Astragalus* species growing in middle and east Europe as 3.7-3.9×2.5-2.7 mm and 1.2×1.2-1.8 mm respectively.




Figure 1. Illustrate geometrical shape and color of studied species

Seeds of *A. hamosus* have rectangular shape with size of 1.8-2.2×2-2.5 mm. Seeds of *A. oxyglottis* and *A. hamosus* are less elongated while bigger was in *A. tribuloides* which explain varied geometric shape in the studied species which tend to multi ribs. In addition to, this species showed little thickness less than 1 mm that illustrate flakiness ratio as more flakiness in species *A. tribuloides* and *A. asterias*. Seeds of *A. boeticus* were superior in volume, surface area, weight and size weight. With agreement of (Vural et al., 2008) results whom cleared that some *Astragalus* species dimensions were 0.51-3.82 mm and surface area 4.54-8.84 mm², diameter 1.27-3.23 mm, gravity 2.44-4.29 and oblate shape. Seed testa results showed different shapes and lengths of sclerieds, longer scleried was in *A. boeticus* but smaller was in *A. tribuloides* 26.25 μ. Best width was in *A. corrugatus* 23.33 μ while smaller in *A. asterias* 8.26 μ. Sclerieds shape was elongate in species *A. boeticus*, *A. schimperii*,

A. asterias, *A. A. guttatus*, *A. brachyceras*, *A. hamosus*, *A. oxyglottis* nearly to square shape in species *A. corrugatus* (Figure 2).

Table. Morphological, anatomical, and physical and mechanical characters of studied species

species	Shape	Color	Dime nsion s (mm)	T (mm)	D _g (mm)	D _a (mm)	Spher icity φ %	S _A (mm ²)	V (mm ³)	F _R	F _E	Specific gravity	Size weigh t (densi ty) g	Weig ht 100 seeds (g)	scleried dimensio ns μ
<i>A. asterias</i>	oblique to	brown- greenish	1.01×	0.046	0.699	0.762	54.56	1.53	0.178	0.037	0.83	0.0048	4.88	0.087	8.3×35.8
	rectangular	brown	1.22												
<i>A. boeticus</i>	renal to	brown-light	2.48×	1.66	1.394	2.536	40.17	6.101	1.417	0.478	0.71	0.0092	9.26	1.312	14.2×97.1
	elliptical	brown	3.77												
<i>A. brachycera</i>	oblique	brown-dark	1.25×	0.934	1.069	1.218	72.77	3.588	0.639	0.635	0.85	0.0026	2.72	0.174	10.5×35.1
		brown	1.47												
<i>A. corrugatus</i>	oblique to	brown-dark	1.42×	0.695	1.333	1.355	68.35	5.579	1.239	0.356	0.73	0.0013	1.37	0.171	23.3×27.5
	rectangular	brown	1.95												
<i>A. guttatus</i>	semi	brown	2.03×	1.378	1.252	1.859	57.69	4.921	1.027	0.635	0.94	0.0052	5.25	0.549	13.2×53.6
	spherical		2.17												
<i>A. hamosus</i>	oblique to	brown	1.28×	0.924	1.125	1.456	52.57	3.974	0.745	0.431	0.61	0.003	3.08	0.236	13.4×42.1
	rectangular		2.13												
<i>A. oxyglottis</i>	bacillary	brown-light	0.77×	0.044	0.689	0.774	45.62	1.49	0.171	0.029	0.51	0.0034	3.45	0.059	11.8×35.9
		brown	1.51												
<i>A. schimperi</i>	square	brown- greenish	1.76×	1.115	1.168	1.548	65.98	4.283	0.833	0.629	0.99	0.0036	3.69	0.308	9.6×45.1
		brown	1.77												
<i>A. tribuloides</i>	elliptical	brown- light	0.82×	0.063	0.654	0.512	79.75	0.343	0.146	0.096	1.26	0.0019	1.98	0.029	8.8×26.3
		brown	0.65												
<i>A. trimestris</i>	rectangular	brown	1.91×	1.145	1.23	1.82	51.14	4.75	0.973	0.476	0.79	0.0059	5.96	0.58	20.1×40.8
			2.4												





Figure 2. Shape and dimensions of sclerieds of the seed testa , 40 x

Cluster analyze results (Figure 3) and Similarity matrix exhibited two main

groups with similarity level of 25. The first group included one species *A. boeticus*, while the second group split into two sub-groups which included: *A. hamosus*, *A. trimestris*, *A. asterias*, *A. oxyglottis*, *A. brachyceras*, *A. tribuloides*, *A. corrugatus* and *A. guttatus*.



Dendrogram (3) show similarity percentages

Conclusions

Study of seed characters is very important for taxonomy, identification and description to determine the similarity and genetic relationship within the same genus. In addition to requirements of transport, storage, dry, sort, packing and storage of seeds.

References

1. Bojnaský, V. and A. Fargašová . Atlas of Seeds and Fruits of Central and East-European Flora, Springer, 2007, 1046 pp.
2. El-Hawiet, A.M.; Toaima, S.M.; Asaad, A.M.; Radwan, M.M. and El-Sebakhy, N.A. Chemical constituents from *Astragalus annularis* Forssk. and *A. trimestris* L., Fabaceae. Rev. Bras. Farmacogn,2010, 20(6):1-15.
3. Frodin, D.G. . History and concepts of big plant genera. Taxon. 2004, 53 (3):753-776.
4. Ghamari, S.; K. Mohammadi; A. Khanahmadzadeh and H. Goli. Evaluation the Some Physical Properties of Chickpea Seeds in Kurdistan Region of Iran. Int. J. of Agric. and Fore.,2014, 4 (3A): 4-7.
5. Mansouri, A.; A. H. Mirzabe and A. Raufi. Physical properties and mathematical modeling of melon (*Cucumis melo* L.) seeds and kernels. J. of the Sau. Soci. of

Agric. Scien., 2017, 16: 218–226.

6. Mouterde, P.S.J.. Nouvelle Flore Du Liban et Du La Syrie. Dar-El-Machreq Editeurs, Beyrouth, Liban., 1986, 946 pp.
7. Nassar, M.A. and El-Sahhar, K.F.. Botanical Preparations and Microscopy (Microtechnique). Academic Bookshop, Dokki, Giza, Egypt,1998, 219 p. (In Arabic).
8. Patanè, C. and Gresta, F.. Germination of *Astragalus hamosus* as affected by seed-coat dormancy breaking techniques. J. Arid Envi., 2006, 67(1): 165-173.
9. Vural, C.; M. Ekici; H. Akan and Z. Aytac. Seed morphology and its systematic implications for genus *Astragalus* L. sections *Onobrychoidei* DC., *Uliginosi* Gray and *Ornithopodium* Bunge (Fabaceae). Plant Syst. Evol., 2008, 274:255–263.

ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИДА ЯПОН БЕҲИСИ (*CHAENOMELES MAULEI* (MAST.) SCHNEID.) НИНГ ҚАЛАМЧАСИДАН КЎПАЙТИРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Гуламходжаева Ш.Ф.

Тошкент давлат аграр университети, Ўзбекистон
sh.gulamxodjayeva@gmail.com

TECHNOLOGY OF MULTIPLICATION OF JAPAN'S QUINCE (*CHAENOMELES MAULEI* (MAST) SCHNEID) IN UZBEKISTAN

Gulamkhodjaeva, Sh.

Tashkent State Agrarian University, Uzbekistan.
sh.gulamxodjayeva@gmail.com

Abstract.

The paper provides information on study on adaptation of ornamental shrub species of Japan's quince (*Chaenomeles maulei* (Mast.) Schneid) to local climate conditions, its multiplication and planting technologies according to the seasons for green building and urban planning.

Key words: tree, shrub, species, climate, flower, compact, elliptic, subtropical, stem, cuttings.

Анотация.

Мақолада манзарали боғдорчиликда ва шаҳарлар шароитида шаҳар қурилиши ва ландшафт меъморчилигига асосланган ҳолда маҳаллий иқлим шароитларини эътиборга олиб, манзарали бута тури Маулей (*Chaenomeles Maulei* (Mast.) Schneid.) турини танлаш ва уларни кўпайтириш усуллари, фаслларга мос ҳолда жойлаштириб экиб бориш ишлари кўрсатилган.

Калит сўзлар: дарахт, бута, тури, иқлим, гул, компакт, эллипсимон, субтропик, новда, қаламча.

Кириш.

Ҳозирги вақтда аҳоли яшайдиган ҳудудларни кўкаламзорлаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида кўкаламзорлаштириш мақсадида фойдаланиладиган дарахт ва бута турларини танлаш, улардан самарали фойдаланиш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш ишлари амалга оширилмоқда. Президентимиз томонидан ҳам аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш учун манзарали кўринишга эга бўлган дарахт ва бута турларини танлашга алоҳида эътибор бериш кераклиги бир неча мартаба

таъкидлаб ўтилган. Кўкаламзорлаштиришда ўзгача чирой бахш этадиган Маулей (*Chaenomeles Maulei* (Mast.) Schneid.) туркуми вакиллари бунга мисол қилиш мумкин. Кўкаламзорлаштиришда қўлланилаётган композициялар ва услубларни Маулей ўсимлигисиз тасаввур этиш қийиндир. Маулей ўсимлиги Маулей (*Chaenomeles Maulei* (Mast.) Schneid.) оиласига мансуб бўлиб, бу оиллага 1 туркум ва 4 та тури бор. Бу оиланинг Маулей (*Chaenomeles Maulei* (Mast.) Schneid.) туркуми ҳалқ хўжалигида катта аҳамияти эга [1]. Маулейлар ўзларининг ташқи кўриниши билан бир-биридан ажралиб турадилар. Кўпчилик Маулейлар унча баланд бўлмаган доим яшил дарахтлар ва буталардан иборат. Барглари овалсимон шакилда, ялтироқ, тўқ яшил майда қарама-қарши ёки кетма-кет жойлашган. Меваси сариқ думалоқ майда беҳисимон бўлиб, пишиб етилган мевалари кеч кузда сариқ рангда пишиб етилади [3]. Маулей Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштиришда кенг қўлланилмоқда ва истиқболли тур ҳисобланади. Уни турли композицияларда гуруҳ-гуруҳ, гуллар клумбаларида экилса, уларнинг манзарали хусусиятлари кескин ортади [2].

Тадқиқот услуби.

Тадқиқот ишлари Б.А.Доспехов услуби бўйича ўрганилади. Тажриба вариантлари ва такрорийликлар ўрнатилган тартибда жойлаштирилди. Қаламчалар 10 см дан қилиб тайёрланди. Тайёрланган қаламчалар тупроқ ва торф 1:1 нисбатда тайёрланган юмшоқ субстратга экилди ва пленка билан ёпиб қўйилди. Ҳар икки кунда бир марта мунтазам суғориб турилди.

Тадқиқот натижалари.

Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда фойдаланиладиган манзарали дарахт ва бута турлари хусусиятларини аниқлаш уларнинг чангни ушлаб қолиш даражаси ва фитонцидлик хусусиятларини ўрганиш ҳисобланади.

Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштиришда фойдаланиладиган манзарали буталарнинг ижтимоий функциясига уларнинг эстетик таъсири, рекреацион ва соғломлаштириш аҳамияти киради. Манзарали ўсимликларни лойхалаштириш пайтида уларнинг эстетик хусусиятларини доимо ҳисобга олиб бориш керак. Эстетик лойхалашда манзарали дарахт ва буталарнинг ҳар-хил турларидан фойдаланиш мумкин ва боғ-парклар барпо этишда уларнинг кўп функциялилик хусусиятларини таъминлаш керак. Бир хил кўринишга эга бўлган манзарали дарахт ва бута турлари регуляр услубда

ишлатилса, хар-хил кўринишга эга бўлган манзарали дарахт ва бута пейзаж услубда ишлатилса инсонга завқ яхши кайфият берувчи ландшафтли муҳит яратилади. Хеномелес туркумининг кўкаламзорлаштириш учун энг қимматли тури Маулей (*Chaenomeles Maulei* (Mast.) Schneid.) бўлиб, шаҳарларни кўкаламзорлаштиришда кенг фойдаланилади. Маулей секин ўсиши билан ажралиб туради, бўйи 0,3 метрдан 1 метргача бўлган чиройли гулловчи бутасимон ўсимлик ҳисобланади. Шох-шаббаси мустахкам ва тўп-тўп бўлиб жойлашган.

Маулей беҳиси ўсимлиги тупроққа талабчан, қурғоқчиликка ўртгача чидамли бута ҳисобланади. Совуққа чидамли, лекин қаттиқ ва қорли қишда шохлари, навалари қисман зарарланиши мумкин. Маулей турлари сояга чидамли бўлиши билан бир қаторда ёруғлик яхши тушадиган ерларда ҳам яхши ўсади. Тупроққа талабчан қурғоқчилликка ўртгача чидамли бута ҳисобланади.

Маулейнинг асосий манзарали хусусияти унинг доим яшил барглари ҳисобланади. Маулейни **кўпайтириш ўзига хос мураккабликка эга**. Уни уруғидан ва қаламчаларидан кўпайтирса бўлади. Уруғларининг хаётчанлиги 45% ни ташкил этади. Яшил қаламчаларининг илдиз олиш кўрсаткичи 45-50 % га тенг. Яшил қаламчалари илдиз олишида улар 0,01% ли ИМК эритмасида 24 соат ушланади. Маулейни асосан вегетатив йўл билан ёзги ва кузги қаламчаларидан кўпайтирилади. Илдиз олиш даражаси 80-100% гача. Ёзги қаламчаларини тайёрлаш муддати новдаларнинг ҳолатига қараб аниқланади. Новдалар озроқ ёғочлашган бўлиши керак, одатда июннинг охири декадасидан июлнинг ўрталарига тўғри келади. Кузги қаламчалар августнинг охири сентябрнинг бошларида тайёрланади. Қаламчаларнинг узунлиги 10 см қилиб ёки 2 -3 куртак қолдириб олинади. Қаламчада 2 та юқориги барглари қолдирилади, пасткилари эса кесиб ташланади. Тайёрланган қаламчалар тупроқ ва торф 1:1 нисбатда тайёрланган юмшоқ субстратга экилади ва пленка билан ёпиб қўйилади. Ҳар икки кунда бир марта мунтазам суғориб турилса 3 ҳафтада илдиз чиқаради ва ёш ўсимликлар 10x10 схемада парваришlash майдончасига ўтказилади. Кейинги йил кузда кўчатлар тайёр бўлади ва уларни доимий ўсиш жойига экиш мумкин. Қаламчаларни ёш новдалардан олинганда ва ўсишини тезлаштирадиган стимуляторлардан фойдаланилганда яхши илдиз олади. Манзарали боғдорчиликда фойдаланиш учун Маулейнинг турли туман шакллари (барглари турли рангдаги) танлаб олинган.

Хулоса.

Ўзбекистон шаҳарларини кўкаламзорлаштиришда Маулейнинг қуйидаги шакллари истиқболли ҳисобланади: Маулейнинг бу манзарали шакллари Республикамизнинг ҳамма ҳудудларида кўкаламзорлаштириш учун тавсия этилади. Ушбу ўсимлик кўкаламзорлаштиришда фойдаланишни кенг йўлга қўйиш иқтисодий жihatдан самарали, қолаверса атроф-мухитни ҳамда юртимиз гўшаларини чиройига янада чирой қўшишига шароит яратади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Холова Ш.А. Фитодизайн яратишда маҳаллий ва интродукция килинган ўсимликлардан фойдаланиш. // «Интродукция растений: достижения и перспективы», VI Республика илмий-амалий конференция. – Тошкент, 23-24 май. 2013. – 173-176 б.
2. Абдурахманов А.А., Славкина И.Т. Озеленительный ассортимент и уход за городскими насаждениями Узбекистана/АН УзССР. Ботанич.сад им. Ф.Н.Русанова. – Ташкент: «Фан», 1980. - 24 с.
3. Хоназаров А.А. ва бошқалар. Ўзбекистон ҳудудини кўкаламзорлаштиришда фойдаланиладиган асосий манзарали дарахтлар ва буталар. Тошкент, 2008. - 165 б.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ АГРОБИОРАЗНООБРАЗИЯ С ЦЕЛЬЮ ПОЛУЧЕНИЯ ВЫСОКОКАЧЕСТВЕННЫХ СЕМЯН ОВОЩНЫХ КУЛЬТУР

Мамаюсупов А.Х.

*Термезский филиал Ташкентского государственного аграрного
университета, Узбекистан*

USE OF AGROBIOLOGICAL DIVERSITY FOR PRODUCTION OF HIGH- QUALITY SEEDS OF VEGETABLES

Mamayusupov, A.Kh.

*Termez branch of Tashkent State Agrarian University, Uzbekistan
abdullayev1015@mail.ru*

Abstract

In dry subtropics of Uzbekistan there are no realized varieties of bell pepper that can be grown in film greenhouses. There is also lack of relevant agricultural technology. Researches on these issues have not yet been conducted. The solution to these problems is a topical issue.

Key words: disease, variety, hybrid, seedlings, early ripening.

Аннотация

В условиях сухих субтропиков Узбекистана нет районированных сортов сладкого перца, которые можно выращивать в пленочных теплицах. Отсутствуют также соответствующие разработки по агротехнике. Научные исследования, связанные с решением этих вопросов, до настоящего времени не проводились. Решение этих задач является актуальным вопросом.

Ключевые слова: заболеваемость, сорт, гибрид, рассада, скороспелость.

Введение

Ассортимент овощных культур, выращиваемых в пленочных теплицах, очень мал. В основном выращиваются огурцы и томаты, в незначительном количестве возделывается сладкий перец, зелень и другие овощные культуры.

В условиях сухих субтропиков сладкий перец в открытом грунте созревает в конце июля - начале августа. Выращивание в весенних пленочных теплицах позволит получать плоды перца уже в начале апреля [1; 2].

В условиях сухих субтропиков Узбекистана нет районированных сортов сладкого перца, которые можно выращивать в пленочных теплицах. Также не разработана агротехника его возделывания. Научные исследования, связанные

с решением этих задач, до настоящего времени не проводились. Поэтому решение этой задачи является актуальным вопросом.

Материалы и методы

Исследования проводились в 2017-2018 гг. путем постановки лабораторно-производственных опытов в пленочных необогреваемых весенних теплицах учебно-опытного хозяйства Термезского филиала Ташкентского аграрного университета.

